

## ШНҚ 2.01.02-04 “Бино ва иншоотларнинг ёнғин хавфсизлиги”га 1-сон ЎЗГАРТИРИШ

ШНҚ 2.01.02-04 “Бино ва иншоотларнинг ёнғин хавфсизлиги” қуйидаги таҳрирдаги 1-илова билан тўлдирилсин:

**1-илова**

### **Баланд биноларни ёнғиндан ҳимоя қилиш**

Ушбу илова талаблари баланд биноларнинг ёнғинга қарши ҳимоясини лойиҳалаштиришга оид махсус техник шартларни ишлаб чиқиш учун қўлланилади.

### **Қўлланилиш соҳаси**

Мазкур иловада белгиланган ёнғинга қарши ҳимоя талаблари баландлиги 50 м ва ундан юқори бўлган янгидан қуриладиган ва қайта қуриладиган, бинолар комплекси таркибида ёки алоҳида-алоҳида жойлашган балад турар жой ва жамоат биноларга (кейинги ўринларда – баланд бинолар) тааллуқли ва уларни лойиҳалаштириш бўйича қурилиш меъёрларини белгилайди.

Баланд биноларни лойиҳалаштириш Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги томонидан белгиланган тартибда махсус техник шартларга мувофиқ бажарилади.

Махсус техник шартлар ушбу бўлимнинг асосий қоидаларини ҳисобга олган ҳолда, лойиҳалаштириладиган баланд қаватли бинонинг меъморий-режалаштирилишига, конструктив ечимларига қўйиладиган ва ёнғинга қарши талабларга, бинонинг муҳандислик тизимларига, бинодан фойдаланаётганда унинг аҳволини мониторинг қилиш тизимлари ва бошқаларга қўйиладиган талабларни конкретлаштириш мақсадида ишлаб чиқилади.

Ушбу бўлим талаблари Ўзбекистон Республикаси ҳудудида биноларнинг лойиҳалаштиришни амалга оширувчи ва лойиҳа ҳужжатларига эксперт баҳосини бажарувчи барча юридик (мулкчилик шаклидан қатъи назар) ва жисмоний шахслар томонидан амал қилиниши учун мажбурий ҳисобланади.

### **1. Терминлар ва таърифлар**

Ушбу бўлимда қуйидаги терминлар билан мос таърифлари қўлланилган:

**баланд бино:** баландлиги 50 м. дан юқори бўлган бино. Бинонинг баландлиги – бинога энг яқин жойлашган қатнов йўли юзасидан энг юқори қаватнинг, техник қаватдан ташқари пол нуқтасининг юқорисигача бўлган масофа.

**баланд комплекс:** меъморий-режалаштириш ечимлар орқали (умумий ерости ёки стилобат қисмига, бирлаштирувчи ўтиш жойларига ва шу кабиларга эга бўлиши мумкин) бир-бири билан ўзаро боғланган икки ва ундан ортиқ турли баландликдаги бинолар гуруҳи (камида битта баланд бинони ўз ичига олади).

**ёнғин хавфсизлиги пости:** ёнғин автоматик воситаларининг холатини назорат қилиш қурилмалари билан жиҳозланган, навбатчи ходимлар туну-кун бўладиган объектнинг махсус хонаси.

**ёнғиндан ҳимоя бўлмаси:** бинонинг бошқа қисмларидан ёнғинга қарши деворлар ва ораёпмалар (тўсиқлар) билан ажратилган ёнғин бардошлилик даражаси REI 180 га тенг бўлган баланд бинонинг бир қисми.

**қаватнинг майдони:** ёнғин тарқалишини олдини олитшга хизмат қиладиган ёнғинга қарши тўсиқлар билан ажратилган бинонинг бир қисми.

**одамлар кўп йиғиладиган хона:** хона майдони 50 кв.м ва ундан ортиқ бўлган полининг ҳар 1 кв. м га одам сони бир кишидан кўп ҳисобланадиган одамлар доимий ёки вақтинча бўлиб турадиган хона, шу жумладан вестибюллар, фойе, турли мақсадларга мўлжалланган заллар, маъруза аудиториялари, ресторанлар, дўконлар ва шу кабилар.

**хавфсизлик зонаси (хонаси):** берилган вақт давомида (ёнғин бошланишидан бошлаб қутқарув ишлари якунлангунига қадар) ёнғин бардошлилик даражаси REI 180 га тенг бўлган ёнғинга қарши ораёпмалар ва ёнғинга қарши деворлар билан ажратилган бино, иншоот, ёнғиндан ҳимоя бўлмасининг бир қисми.

**тамбур:** совуқ ҳаво, тутун, турли ҳидлар киришидан ҳимоялаш учун хизмат қиладиган эшиклар оралиғидаги ўтиш жойи; бино, хона, зина катакларига кираверишда ташкил қилинади.

**конструктив ёнғиндан ҳимоя:** қурилиш конструкцияларини ёнғидан ҳимоя қилиш усули, конструкциянинг қизийдиган юзасига ёнғиндан ҳимоя қилиш воситалари ёрдамида иссиқлик изоляция қатламини ҳосил қилиш билан асосланади. Конструктив ёнғиндан ҳимоя қилиш қалин қатламли пуркаланадиган таркиблар, ёнғиндан ҳимояловчи суритмалар, сувоқлар, плиткали, тунукали ва бошқа ёнғиндан ҳимояловчи, шу жумладан каркасли, ҳаво қатламли материаллар билан қоплаш, ҳамда ушбу материаллар комбинацияси, масалан, юпқа қатламли шишиб чиқадиган қопламалар киради. Ёнғиндан ҳимоя қилиш қопламаси билан ишлов (ўрнатиш) бериш усули НТХ ва ёнғин ҳимояси лойиҳасида таърифланган усулга мос келиши лозим.

**ёнғин ўчириш қувури:** ёнғинга қарши сув жўлрақларини ўнатган ички ёнғинга қарши сув қувурларига сувни тарқатиш қувурлари тизими. Изоҳ – ёнғинга қарши стояклар ёнғин-қутқарув бўлинмалари томонидан ёнғинларни ўчиришда қўлланилиш учун мўлжалланган.

## 2. Қисқартмалар

Ушбу ҳужжатда қуйидаги қисқартмалар қўлланилган:

ЗАЁ – захирани автоматик ёқиш;

АЁС – автоматик ёнғин сигнализацияси;

АЁҚ – автоматик ёнғин ўчириш қурилмаси;

ИЁҚС – ички ёнғинга қарши сув қувури;

СТҚ – сув тайёрлаш қурилмаси;

КТҚ – кириш-тақсимлаш қурилмаси;

БТШ – бош тақсимловчи шити;

ДЭС – дизелли автоном электростанцияси;

УТМ – узлуксиз таъминот манбаи;

ТТП – тақсимловчи трансформатор подстанцияси;

ХЭБТ – хабарлаш ва эвакуацияни бошқариш тизими;  
ЁХТ – ёнғиндан ҳимоялаш тизими;  
ИББТ – инқирозли вазиятларда алоқа ва бошқариш тизими;  
ТП – трансформатор подстанцияси;  
МТМБП – муҳандислик тизимларини марказий бошқариш пункти;  
ЁХТ МБП – ёнғиндан ҳимоялаш тизимини марказий бошқариш пункти.

### 3. Асосий қоидалар ва шахарсозлик талаблари

3.1. Баланд биноларни ёнғиндан ҳимояловчи техник воситаларини ўз ичига олган ёнғин хавфсизлигини таъминлаш тизимлари комплексини лойиҳалаштириш, ушбу бўлим ва бошқа амалдаги меъёрий ҳужжатлар талабларига асосан барча турдаги ишлар бўйича лицензияга эга бўлган ихтисослашган ташкилотлар томонидан бажарилиши лозим.

Лойиҳалаштиришда халқаро меъёрлар, стандартлар ва шу кабилардан фойдаланишга йўл қўйилади, қачонки улар мазкур бўлим талабларига қарама-қарши бўлмаса. Яъни, халқаро меъёрлар талаблари объектнинг ёнғинга қарши ҳимояси даражасини пасайтирмагунга қадар фойдаланилади.

3.2. Бино, қурилиш конструкциялари, маҳсулотлар ва материалларнинг меъёрий-техник ҳужжатларида уларнинг ШНҚ 2.01.02-04 билан тартибга солинадиган ёнғин-техник характеристикалар кўрсатилган бўлиши лозим.

3.3. Бинонинг ёнғиндан ҳимоя қилиш тизимлари одамларнинг ёнғин хавфсизлиги бўйича, бир йилда ҳар бир кишига ҳисоблаганда хавфли омиллар таъсирини олдини олиш бўйича камида 0,999999 даражага тенг бўлиши, одамлар учун ёнғин хавфлилиги даражаси эса, бир йилда ҳар бир киши бошига ҳисобланган энг охириги рухсат этилган даражадан ортиб кетадиган хавфли ёнғин омилларининг  $10^{-6}$  дан ошиб кетмайдиган таъсир даражасига эга бўлиши ҳамда ёнғин-қутқарув бўлинмаларининг ёнғинни ўчириш ва қутқариш ишларини амалга оширишдаги ҳаракатлари ГОСТ 12.1.004-91 талабларига мувофиқ бўлиши лозим.

3.4. Муайян биноларнинг ўзига хос хусусиятларини акс эттирувчи қўшимча талаблар ва бир қатор тегишли ҳисоб-китобларни амалга ошириш асосида белгиланиб, уларнинг рўйхати махсус техник шартларни ишлаб чиқишда асослаб берилади.

3.5. Қурилиш жараёнида қуйидагиларни таъминлаш лозим:

- лойиҳада кўзда тутилган барча ёнғинга қарши чораларни бажарилиши;
- ёнғинга қарши қоидаларга амал қилиш ҳамда қурилаётган ва ёрдамчи объектларни ёнғиндан муҳофаза қилиш, қурилиш ва монтаж ишларини ёнғиндан хавфсиз тарзда бажарилиши;
- ёнғин ўчириш воситалари мавжудлиги ва соз ҳолда сақланиши;
- қурилаётган объектда ва қурилиш майдонида ёнғин юз берганда одамларни эвакуация қилиш ва қутқариш, моддий бойликларни ҳимоя қилиш ишларини хавфсиз амалга ошириш имконияти.

3.6. Фойдаланиш жараёнида қуйидагиларга амал қилинади:

- бинони ёнғиндан ҳимоя қилиш воситаларининг ишлаш қобилиятини таъминлаш;
- ёнғин хавфсизлиги қоидалари бажарилишини таъминлаш;
- конструктив, ҳажмий-режалаштириш ва муҳандис-техник ечимларга лойиҳасиз ўзгартиришлар киритишга йўл қўймаслик;
- таъмирлаш ишларини бажаришда амалдаги меъёрлар талабларига жавоб бермайдиган конструкция ва материаллар қўлланилишига йўл қўймаслик.

3.7. Баланд бинолар 4 турга синфланади:

**1-синф** - 100 м гача;

**2-синф** - 100 дан 150 м гача;

**3-синф** - 150 дан 200 м гача;

**4-синф** - 200 м дан ортиқ.

3.8. Жанговар ҳисобда юқори босимли автонасос ва баландлиги камида 50 м.дан кам бўлмаган автонарвон (тирсакли кўтаргич) мавжуд ёнғин-қутқарув деполаридан, баландлиги 100 м.гача бўлган биноларни 2 км. дан кўп бўлмаган масофада, 100 м.дан юқори бўлган биноларни эса – 1 км.дан кўп бўлмаган масофада жойлаштирилган шароитда лойиҳалаштиришга рухсат этилади.

Кўрсатиб ўтилган масофаларга риоя қилишнинг имкони бўлмаса, лойиҳалаштирилаётган комплекс таркибида кам сонли ёнғин-қутқарув бўлинмасини ташкил этишни назарда тутиш лозим. Ушбу бўлинманинг шахсий таркиби сони, шунингдек ёнғин-қутқарув техникалари ва бошқа воситалар билан таъминлаш

ФВВ билан келишилади.

3.9. Йўллар ва туташ ҳудудларнинг планировкаси қуйидаги имконларни таъминлаши лозим:

— бинонинг барча томонларидан ёнғин-қутқарув техникаси кириб келишини;

— бинодан эвакуация чиқиш жойларига ёнғин-қутқарув техникаси кириб келишини;

— автонарвонлар ёки автокўтаргичлар орқали ёнғин ўчирувчилар қуйи ёнғин бўлмасида мавжуд бўлган ҳар қайси хона, квартира, хавфсизлик зонасига кириб бориш имконига эга бўлиши. Шу билан бирга бинонинг стилобат қисмининг кенглиги ва баландлигини ҳисобга олиш лозим.

Ёнғин-қутқарув техникалари босиб ўтиши назарда тутиладиган ёнғин ҳолатида ўтиш йўл кўтармасининг конструкцияси ва стилобат қисмининг йўл қопламаси оғирлиги камида 48 тоннага тенг бўлган (ҳар бир ўқига 16 тоннадан) автонарвон, тирсакли кўтаргич массаси юкламасини кўтара оладиган қилиб лойиҳалаштирилиши лозим.

3.10. Ёнғин ўчириш техникаларининг ўтиш йўлларини кенглиги 6 м.дан кам бўлмаслиги керак. Ўтиш йўлининг умумий кенглигига ушбу йўлга туташ бўлган тўсилмаган тротуарни қўшиш мумкин, бунда унинг қопламасининг тоифаси транспорт ўтиш йўлининг қопласами тоифасидан паст бўлмаслиги керак.

Бинонинг баланд қисмининг ташқи деворларидан ўтиш йўллари четигача бўлган масофа 8-10 метрни ташкил қилиши лозим.

Ёнғин ўчириш техникалари ўтадиган йўлларнинг бурилиш радиуси 18 м.дан кам бўлмаслиги зарур. Боши берк йўллар автонарвон ва автокўтаргич бурилишига имкон яратиш учун диаметри 16 м.дан кам бўлмаган оролчалари мавжуд бурилиш майдонлари билан яқунланиши зарур. Бурилиш майдонларидан автомобиллар тураргоҳи сфатида фойдаланишга йўл қўйилмайди.

3.11. Кириб келиш ва ўтиш йўллари, ШНҚ 2.07.01- талабларига мувофиқ, IV тоифадан паст бўлмаган йўллар сифатида лойиҳалаштирилиши лозим. Автонарвонлар ва автокўтаргичларни ўрнатиш жойларининг қиялиги 6° дан катта бўлмаслиги керак. Ёнғиндан қутқариш техникасининг сурилма таянчлари асосини (шу жумладан таянч остига таглик қўйиб) ўрнатиш жойларидаги йўл кўтармаси ҳамда тупроқ 0,6 МПа (6 кгс/см<sup>2</sup>)га тенг босимга бардош бериши лозим.

3.12. Бинолар комплексларини лойиҳалаштиришда фронт бўйлаб ҳар 100 метрдан кейин ёнғин ўчириш автомашиналари ва ёнғин-қутқарув техникалари учун ўтиш йўллари (ёки тоннеллар)ни кўзда тутиш керак.

Бундай ўтиш йўлларинининг баландлигини камида 4,25 м ва кенглиги камида 3,5 м бўлиши лозим.

3.13. Баланд бинолар ва бошқа иморатлар орасидаги ёнғинга қарши ораликлар, уларнинг ёнғинга чидамлилиги даражасидан келиб чиқиб, қуйидаги масофаларлардан м. кам эмас:

- ёнғин бардошлилиги I–II даражага тенг бўлган биноларгача - 15 м;
- ёнғин бардошлилиги III–IV даражага тенг бўлган биноларгача - 25

м;

Ёнма-ён турган баланд бинолар орасидаги масофани 30 м.дан кам бўлмаган ҳолда қабул қилинади.

Баланд бино ва автотранспорт воситалари туриши учун мўлжалланган очиқ майдонлар орасидаги ёнғинга қарши ораликлар 15 м.дан кам бўлмаган ҳолда қабул қилинади.

3.14. Биноларга кириб келиш йўлларини лойиҳалаштиришда фавқулодда вазиятлар оқибатларини бартараф этишда фойдаланиладиган махсус техникаларни ҳаракатланиши учун мўлжалланган йўл қисмларида ҳаракатланишни чеклаш ва автомобиллар доимий ва вақтинча туриши (транспорт парковкаси)га рухсат этилмаслигини назарда тутиш лозим.

3.15. Баланд бино ва портлабёниш ва ёнғин хавфлилиги бўйича А-Г тоифадаги объектлар ҳамда Ан-Гн тоифадаги ташқи қурилмалар орасидаги масофа авария ҳолатларида, шу жумладан баланд бино қулаганда жароҳатлантирувчи омиллар таъсирига йўл қўймаслиги керак. Қабул қилинган масофалар асослилиги ҳисоб-китоблар орқали тасдиқланиши лозим.

#### **4. Ҳажмий-режалаштириш ва конструктив ечимлар**

4.1. Бинолар битта ёки бир неча функционал бўлмалардан иборат бўлиши мумкин. Биноларнинг ҳажмий-режалаштириш ечимлари лойиҳалаштириш учун белгиланган топшириқнинг функционал вазифасига жавоб бериши лозим.

4.2. Бинолар ва функционал элементларнинг ҳажмий-режалаштириш ечимлари уларга юклатилган функциялар бажарилиши, технологик жараёнларни амалга оширилиши ҳамда одамларни эвакуация қилиш ва фавқулодда вазиятларни бартараф этиш имкониятини таъминлаши лозим.

4.3. Ичига-ёнига қурилган автомобиль гаражлари-тураргоҳлари (паркинглари)ни лойиҳалаштираётганда ушбу бўлим ҳамда СНиП 21-02-99 «Стоянки автомобилей» талабларига амал қилиш керак. Шунингдек, асосланган ҳолатларда СП 300.1325800.2017 «Системы струйной вентиляции и дымоудаления подземных и крытых автостоянок»дан фойдаланишга рухсат этилади.

4.4. Автомобиллар гараж-тураргоҳларини баланд бинонинг ер остидаги, цокол ва ер устидаги қаватларида, шу жумладан бинога ёнма-ён қурилган (стилобат) қисмида жойлаштиришга рухсат этилади. Ушбу бўлим талабларига мувофиқ, гараж-тураргоҳларнинг хоналари бошқа мақсадлар учун мўлжалланган хоналардан конструктив жиҳатдан ажратилган бўлиши, амалдаги лойиҳалаштириш меъёрлари талабларига мувофиқ жойлашган алоҳида кириш ва чиқиш жойларига эга бўлишлари лозим. Автомобиллар гараж-тураргоҳлари хоналаридан чиқиш ва бинога кириш жойлари амалдаги лойиҳалаштириш меъёрлари билан белгиланган ёнғин хавфсизлиги талабларига мувофиқ бўлиши керак.

Баланд бинонинг ер ости, цокол қаватларида ва стилобатларида фақат ушбу бинода яшовчилар ва ижарачиларнинг енгил автомобиллари учун гараж-тураргоҳларни жойлаштиришга рухсат этилади. Бундай гараж-тураргоҳларга

кириш жойларини кўриб чиқиш ва текшириш майдончаси мавжуд бўлган шлюзлар билан жиҳозлаш лозим.

4.5. Ҳар бир бинода ёки комплекслар таркибига кирадиган ва лойиҳалаштириш учун топшириқда белгиланган иморатларда ЁХТМБП назарда тутилиши лозим. Ушбу бошқариш пунктлари табиий ёритилган бўлиши ва индивидуал санитария нуқтаси (ювиниш хонаси, душ, ҳожатхона), ҳавони вентиляциялаш ва кондиционерлаш тизими билан жиҳозланган бўлиши ҳамда ШНҚ 2.04.09-07 қоидаларининг 12.55 бандида келтирилган талабларга жавоб бериши керак.

4.6. Баланд бинолар функционал ёнғиндан хавфлилиги бўйича бир ёки бир неча таснифга мансуб ёнғиндан ҳимоя бўлмаларини ўз ичига олиши мумкин. Баланд биноларда функционал ёнғиндан хавфлилиги бўйича қуйидаги синфларга мансуб ёнғиндан ҳимоя бўлмаларини кўзда тутишга рухсат этилади:

Ф1.3 — кўп хонадонли турар жой уйлари;

Ф1.2 — меҳмонхоналар;

Ф4.3 — бошқарув органлари муассасалари, лойиҳалаш-конструкторлик ташкилотлари, ахборот ва таҳрир-нашриёт ташкилотлари, илмий-тадқиқот ташкилотлари, банклар, идоралар, офислар.

Баланд биноларда аҳолига хизмат кўрсатиш корхоналари хоналарини (Ф.3) ва енгил автомобиллар тураргоҳларини (Ф.5.2) жойлаштириш мумкин.

Баланд биноларда жойлаштиришга йўл қўйилмайди:

— мактабгача таълим муассасалар, қария ва ногиронлар уйлари, касалхоналар, мактаб-интернатлар ва болалар муассасаларининг ётоқхоналари (Ф1.1) (шу жумладан қават доирасидаги алоҳида хоналар);

— 10 м дан юқори баландликда ҳисоблаб чиқилган инсонлар сиғдириш қобилияти 600 кишидан кўп, 28 м дан ортиқ баландликда – 300 кишидан кўп ва 50 м дан юқори баландликда – 100 кишидан кўп;

— Ф5.1 таснифидаги хоналар портлаб-ёниш ва ёнғин хавфи бўйича А, Б, В1 – В3 тоифаларига мансуб;

— Ф5.2 таснифидаги хоналар портлаб-ёниш ва ёнғин хавфи бўйича А, Б, В1 тоифаларига мансуб;

— В2 тоифасига тегишли хоналарни бинонинг стилобат қисмидан баланд бўлмаган сатҳда, В3 ва В4 тоифали хоналарни эса бинонинг ҳар қайси қаватида жойлаштиришга рухсат этилади;

В3 тоифали хоналарни стилобат қисмидан баландроқ қаватларда одамлар кўп йиғиладиган хона билан ёнма-ён жойлаштиришга йўл қўйилмайди.

4.7. Функционал ёнғинга хавфлилиги таснифи 4.1 бандида келтирилмаган хоналарни бинода жойлаштириш махсус техник шартларда асослаб берилади.

4.8. Баландлиги 100 м.гача бўлган баланд биноларни қурилиш конструкцияларининг ёнғин бардошлилик даражасини ШНҚ 2.01.02 талабларига мувофиқ I даражали ёнғинга чидамли этиб, 100 м дан ортиқ бўлганда эса – 1-жадвалга мувофиқ қилиб лойиҳалаштириш лозим.

1-жадвал.

Конструкциялар номи	Ёнғин бардошлилиги, минут кам эмас, йўқотиш белгисига қараб		
	Кўтариб туриш қобилияти, <i>R</i>	бутунлиги, <i>E</i>	Иссиқлик ўтказмаслик қобилияти, <i>I</i>
1	2	3	4
<b>1 Бинонинг юк кўтарувчи қисмлари</b>			

1.1 Ташқи деворлар	180*	60	М.**
1.2 Ички деворлар	180*	180*	180*
1.3 Устунлар ва ригеллар	180*	М.	М.
1.4 Боғланишлар ҳамда ораёпмаларнинг элементлари, агар улар бионинг турғунлиги ва геометрик шакли ўзгармаслигини таъминлашда иштирок этадиган тақдирда.	180*	М.	М.
<b>2 Ташқи юк кўтармайдиган деворлар (осма панеллардан)</b>	М.	60	М.
<b>3 Ички юк кўтармайдиган деворлар (пардеворлар):</b>			
3.1 Ф1.3 таснифидаги биноларда секциялар орасидаги деворлар	М.	90	90
3.2 Квартиралар, хоналар, офислар орасидаги деворлар ва ҳ.к.	М.	60	60
3.3 Умумий эвакуация йўлларида (коридор, холл, фойе) ажратувчи туташ хоналар, атриумдан ажратувчи хоналар.	М.	60	60
3.4 Ажратувчи хоналар: трансформатор подстанциялари ҳамда аварияли генератор ва дизель электростанцияси учун – ёнғинга қарши	М.	180	180
3.5 Ёнғинга қарши лифтлар олдида - ажратувчи лифт холлари ва тамбур-шлюзлари – ёнғинга қарши	М.	120*	120*
3.6 Бошқа лифтлар олдидан ажратувчи (тамбур-шлюзлар) лифт холлари — ёнғинга қарши	М.С.	60	60
<b>4 Зина катакларнинг қисмлари</b>			
4.1 Ички деворлар — ёнғинга қарши	180*	180	180
4.2 Ташқи деворлар	180*	60	М.
4.3 Майдончалар, маршлар, косоурлар, зиналар, тўсинлар	60	М.	М.
<b>5 Ораёпма элементлари (тўсинлар, устунлар, плиталар, тўшамалар ва ҳ.к.), 1.4 бандда кўрсатилганларидан ташқари</b>			
5.1 Қаватлар орасидаги ва чордоқдаги	120	120	120
5.2 Хавфсизлик зоналарининг (хоналари) устидаги ва остидаги — ёнғинга қарши	120*	120*	120*
5.3 3.4 бандида келтирилган хоналар устида ва остида — ёнғинга қарши	180	180	180
<b>6 Қопламаларнинг элементлари (тўсинлар, устунлар, плиталар, тўшамалар)</b>			
6.1 Одамларни томга ёки томдан эвакуация қилишни ташкиллаштириладиган ҳолда	120	60	60
6.2 Бошқа бинолар устида	30	30	М.

<b>7 Муҳандислик коммуникацияларининг конструкциялари</b>			
7.1 Ёнгин-қутқарув бўлинмалари учун лифтлар шахталари — ёнгина қарши деворлар	180	180	180
7.2 Бошқа лифтлар шахталари, коммуникация шахталари — ёнгина қарши деворлар	120	120	120
7.3 Тутунни чиқариб ташловчи шахталар	120	120	120
<b>8 Ёнгина қарши тўсиқлар</b>			
8.1 Деворлар	180*	180*	180*
8.2 Ораёпмалар	180*	180*	180*
<p>* Ёнгин бардошлилик даражасининг энг охири чегараси баланд бинодан эвакуация қилишнинг ҳисоблаб чиқилган қийматидан камида 30 дақиқага ортиқроқ бўлиши лозим.</p> <p>** М. — Меъёрланмайди.</p>			

4.9. Баландлиги 200 м.дан юқори бўлган бинолар учун юк кўтарувчи конструкцияларнинг ёнгин бардошлилик даражасини 1-жадвалда белгиланган кўрсаткичлардан яна 60 дақиқага ошириш тавсия этилади.

4.10. Бинонинг ёнгиндан ҳимоя бўлмасини ер юзаси қисмидаги баландлиги 16 қаватдан ва ҳар қандай ҳолатда 50 м дан баланд бўлмаслиги лозим.

4.11. Бинолар қурилиш конструкцияларининг ёнгин бардошлилик даражалари

1-жадвалда келтирилган кўрсаткичларга мувофиқ бўлиши шарт, махсус қайд этилган ҳолатлар бундан мустасно.

Бинони, 1-жадвалга мувофиқ ёнгина қарши деворлар ва ёнгина қарши ораёпмалар орқали ёнгиндан ҳимоя бўлмаларига ажратиши лозим.

Ёнгина қарши ораёпма ўрнига ШНҚ 2.01.02 мувофиқ 1 типдаги ёнгина қарши ораёпмалар билан ажратилган техник қаватни кўзда тутишга рухсат этилади.

4.12. Баландлиги 20 қаватгача бўлган Ф4.3 синфидаги бинолар ва меҳмонхоналар (Ф1.2) синфидаги бинолар, ва баландлиги 25 қаватли кўп хонадонли турар жойларнинг ёнгина бардошлилиги ва қаватлилиги даражасига қараб, ёнгина қарши деворлар орасидаги қаватнинг рухсат этилган энг катта майдонини ШНҚ 2.08.01- мувофиқ кўзда тутиш лозим. Кўрсатилган биноларнинг қавати кўпроқ бўлганда, қаватнинг рухсат этилган энг катта майдони м<sup>2</sup> дан кўп бўлмаслиги шарт:

- меҳмонхоналар учун (Ф1.2) — 1500;
- Ф4.3 синфидаги бинолар ва кўп хонадонли турар жойлар (Ф1.3) учун — 2200.

Бинонинг стилобат қисмини унинг баланд қисмидан ёнгина қарши деворлар ва ораёпмалар билан ажратиш лозим. Бинонинг стилобат қисмидаги ёнгиндан ҳимоя бўлмаси чегарасидаги қаватнинг рухсат этилган энг катта майдони, одатда, 3000 м<sup>2</sup> дан катта бўлмаслиги керак.

4.13. Ертўла (цокол) қаватларини ер устидаги қисмидан ёнгин бардошлилик даражаси REI 180 бўлган ёнгина қарши ораёпма билан ажратиш лозим.

Бинонинг ер остидаги қисмида ёнгиндан ҳимоя бўлинмаси чегарасидаги автотураргоҳлар қаватининг рухсат этилган энг катта майдони, одатда, 3000 м<sup>2</sup> дан ошиб кетмаслиги шарт.

4.14. Ёнгин ўчириш автомеханик нарвон ёки кўтаргичларда бинонинг юқори ёнгиндан ҳимоя бўлинмаларига (баландлиги 50 м.дан юқори) етиб боришни



имкони бўлмаган ҳолларда, тахник қаватлар сатҳида одамларни 2 соат давомида ҳимоя қилиш хавфсизлик зонаси билан таъминланиш лозим.

4.15. Ёнғиндан ҳимоя бўлинмаларини мустақил муҳандислик тизимлари (иситиш, ёнғинларга қарши ва умумий водопровод, тутунга қарши ва умумий алмашув шамоллатш тизимлари, кондиционерлаш ускуналари, эвакуация ёритгичлар, ёнғин автоматикаси ва ҳ.к.) билан таъминланиши лозим, бундан ташқари, ёнғиндан ҳимоя бўлинмалари автомобиллар тураргоҳлари, қозонхоналар, КТҚ, ДЭС, ТП, ЁХТ ва ёнғин ўчириш станцияларга эга бўлишлари керак.

4.16. Енгил алангаланувчи моддалар қўлланиладиган маиший хизмат кўрсатиш корхоналарини, баланд биноларда жойлаштиришга рухсат этилмайди.

4.17. Ахлат йиғиш камерасини ва ахлат ўтказгич стволини ажратиб турувчи конструкцияларнинг қуриш зарурати юзага келганда уларнинг ёнғинга бардошлилик даражаси махсус тахник шартларда қайд этилади.

4.18. Юк кўтарувчи қурилиш конструкцияларни ва муҳандислик-тахник тизимлари коммуникацияларини ҳимоя қилиш учун фақат ёнғиндан ҳимояловчи конструктив схемасидан (атрофига ғишт уриб чиқиш, тўр устидан сувоқ қилиш, гипсокартон билан қоплаш ва ҳ.к.) фойдаланишга рухсат этилади.

4.19. Фасад тизимига эга ташқи деворлар қопламаси, безатиш ва иссиқлик изоляцияси, шамол намликдан ҳимоя қилиш учун ёнмайдиган материаллардан фойдаланган ҳолда ёнғинга хавфлилиги К0 синфига эга бўлиши керак (кучсиз ёнувчан гуруҳига кирмаслиги керак).

4.20. Баланд бинонинг фасадлари бўйлаб ёнғин тарқалишини чеклаш бўйича тадбирлар СП 2.13130 га мувофиқ назарда тутилади.

4.21. Бинонинг томи ёнмайдиган материаллардан бажарилиши керак.

4.22. Биноларнинг ташқи тўсувчи конструкцияларида дастлаб қўйиб кетиладиган элементлар тизимини кўзда тутиш лозим:

— кўтариб туриш қобиляти 3 кН (300 кгс) дан кам бўлмаган ва индивидуал ўз-ўзини қутқариш тизимларидан фойдаланиш имконини таъминлайдиган хоналар

ва фасад деворларида (деразалардан зоналарига етиб бориш);

— том периметри бўйлаб авария-қутқарув анжомларини маҳкамлаш учун, қутқарувчилар фасаднинг ҳар қайси нуқтасига етиб боришини кафолатлаб ҳамда одамлар бинонинг тоmidан ёки қаватларидан бевосита ер сатҳигача тушиб келиши учун мўлжалланган “карусель” турдаги одамлар гуруҳларини қутқариш тизимларини маҳкамлаш имкониятини таъминлаш. Бу мақсадда том периметри бўйлаб кўтариб турувчи қобиляти камида 15 кН (1500 кгс) га тенг бўлган яхлит монорельс (куч штангаси, куч трубази ва ҳ.к.) ўрнатиш тавсия этилади.

4.23. Бинонинг ерости қисмидаги ёнғиндан ҳимоя бўлинмаларида қаватлар орасидаги алоқа Н2 турдаги тутун босмайдиган зина катаклар орқали амалга оширилиши лозим. Келтирилган зина катакларга кириш 1-турдаги тамбур-шлюзлар орқали амалга оширилади.

4.24. Баланд биноларда Н2 турдаги зина катаклар баландлиги бўйлаб бўлмаларга ажратилиши лозим. Зина бўлмасининг баландлиги ҳаво бостириш тизими томонидан эвакуация эшикларига қилинадиган босим 20 дан 150 Па гача босимдан ошмаслиги шартдан келиб чиқиб аниқланади.

4.25. Бир зина бўлмасидан бошқа зина бўлмасига ўтиш 1-турдаги тамбур-шлюз орқали амалга оширилиши лозим. Ушбу ўтиш йўллари, қоидага кўра, тахник қаватлар сатҳида кўзда тутиш керак.

4.26. Биноларнинг баланд қисмида очиқ зиналар (хонадонлар ичидагилардан ташқари) ва атриумларни қуриш рухсат этилмайди.

4.27. Атриум бўшлиқлари баланд кўп функцияли биноларда 5-қаватдан баланда бўлмаслиги лозим. Шу билан бирга атриумлар бўшлиғи хоналар ва эвакуация йўлларида ёнғинга бардошлилик даражаси 1-жадвалда келтирилган ёнғинга қарши пардеворлар ёки тутун ва газ ўтказмайдиган пардалар билан ажратилиши лозим.

4.28. Биноларнинг офис ва турар жой қисмларининг 1-қаватида умумий вестибюль гуруҳини назарда тутиш мумкин.

4.29. Буғланиш саунанинг ҳажми  $8 \text{ м}^3$  дан кичик ва  $24 \text{ м}^3$  дан катта бўлмаслиги керак, бу хонани қоплаш учун смолали ёғочдан фойдаланиш рухсат этилмайди. Электрокаменканинг қуввати  $15 \text{ кВт}$  дан ортиқ бўлмаслиги лозим ва электрокаменка деворлардан камида  $20 \text{ см}$  масофада ўрнатилиши керак. Бошқаруви тизимини буғланиш хонасига кириш жойига ўрнатиш йўли билан буғланиш хонасини периметри бўйлаб  $1 \text{ м}^2$  га камида сув бериш интенсивлиги  $0,05 \text{ л/с}$  кам бўлмаган ҳисоб билан дренаж қурилмалари жиҳозланиши лозим.

#### **Ёнғинга қарши шу жумладан ўзгартириладиган пардеворлар бўйича**

4.30. Бинога хизмат кўрсатиладиган ва ертўлада жойлашган техник хоналардан ШНҚ 2.01.02-04 мувофиқ 1-турдаги тамбур-шлюзлар орқали автотураргоҳларга ўтиш жойлари бўлишига рухсат этилади.

4.31. Турли ижарачиларнинг офис, савдо ва бошқа хоналарини ажратувчи пардеворлар ёнғинга бардошлилик даражаси 1-жадвалга мувофиқ бўлган ёнғинга қарши вазифасини бажариши керак. Бир ижарачининг офис хоналарини ажратувчи пардеворларнинг ёнғин бардошлилик даражаси алоҳида меъёрланмайди ва уни кучсиз ёнувчан (Е1) материаллардан қуришга рухсат этилади.

4.32. Эвакуация йўлларидаги офислар, идоралар, меҳмонхоналар номерлари, турар жой хонадонлари ва шу кабилардан чиқиш эшикларининг ёнғин бардошлилик даражаси Е1 30 дан кам бўлмаслиги лозим. Квартираларнинг ёнғинга қарши эшикларини ўзини-ўзи ёпадиган қурилмалар билан жиҳозламасликка йўл қўйилади.

4.33. Ёнғинга қарши деворлар ва ораёпмалар, шунингдек зина катаклари, лифт шахталари, лифт холлари, техник қават ва хоналари, коммуникация шахталаридаги эшиклар ёнғин бардошлилик даражаси Е1 60 бўлиши лозим. Ёнғинга қарши ораёпмалардаги бўшлиқлар ёнғин бардошлилик даражаси камида Е1 60 бўлган ёнғинга қарши восита билан тўлдирилиши лозим. Ёнғин-қутқарув бўлинмаларини ташийдиган лифтларнинг эшикларини ёнғин бардошлилик даражаси Е1 90 га тенг бўлиши керак.

4.34. Қуруқ иссиқ ҳаммом комплексида коридорларга чиқиш жойлари 1-турдаги тамбур-шлюзлар орқали ўтиши лозим.

4.35. Кабеллар, ҳаво ўтказгичлар ва қувурларни чуқурликлардан ўтказганда, улар ёнғин бардошлилик даражаси меъёрланадиган конструкциялар билан кесишган жойларда конструкциянинг бутун қалинлиги бўйлаб тирқишларни конструкциянинг ёнғинга бардошлилик даражасини ва ёнғин хавфлилиги синфини пасайтирмайдиган материаллар билан тўлдириш лозим. Бундай тирқишларни тўлдириш учун саноат усулида ишлаб чиқарилган ва муҳандислик коммуникациялар ўтган жойларга тутун ўтказмайдиган унификацияланган тугунлардан (ёнғинга қарши муфтлар) фойдаланишга рухсат этилади.

4.36. Баланд қисмидаги хоналарда ёнғин юкмаси  $1 \text{ м}^2$  майдонга тўғри келадиган ёқилғи материалнинг (ёғочнинг) миқдори  $50 \text{ кг}$  дан ортиқ бўлмаслиги керак.

4.37. Ер остидаги автотураргоҳда газ-ҳаво муҳитини назорат қилишни кўзда тутиш лозим:

- портлаш хавфи бор газ-буғ-ҳаво муҳити (ЕАС, **ПК**) пайдо бўлишини пайқаб қоладиган газоанализаторлар;
- CO, CO<sub>2</sub> пайдо бўлишини хавфли концентрацияларни пайқаб қоладиган газоанализаторлар.

Газоанализаторлар тарировкаси бир вақтда ҳам рухсат этилган энг охириги концентрациялар устидан, ҳам ёнғин вақтида тутун пайдо бўлиши устидан назорат қилинишини таъминлаши лозим.

## 5. Одамларни бинодан эвакуация қилиш

5.1. Лойиҳавий ечимлар фавқулдда вазият юзага келганда одамларни хавфсиз эвакуация қилишни таъминлаши лозим ва бу лойиҳалаштиришнинг амалдаги меъёрларига мувофиқ ҳисоб-китоблар билан тасдиқланиши керак.

5.2. Эвакуацияни ташкил этиш, зарур бўлган вақтни ва одам оқимининг бинодан ташқарига ёки бино ичида жойлашган хавфсизлик зоналарига тўсиқсиз ҳаракатланишни таъминлаши керак. Хавфсизлик зоналарига талаблар **1-иловага** мувофиқ қабул қилинади.

5.3. Тегишлича асосланган ҳолатда, бинодан одамларни эвакуация қилишни таъминлаш учун кичик авиация, қутқариш кабиналари ва бошқа воситалардан фойдаланишга рухсат этилади. Вертолётлар ва қутқариш кабиналари учун майдонларни ташкил қилиш талаблари **2-иловага** мувофиқ қабул қилинади.

5.4. Эвакуация йўллари параметрларини аниқлаётганда бино ёки хона ичидаги одамларнинг ҳисоблаб чиқилган сонини лойиҳа бўйича сиғимга нисбатан 1,25 га кўпайтириш керак (жойлар сони регламентга солинган хоналардан ташқари).

Савдо ва маиший хизмат кўрсатиш корхоналарининг савдо залида бир вақтнинг ўзида бўладиган харидорлар (келувчилар) сонини бир киши ҳисобидан қабул қилиш лозим (ускуналар билан банд бўлган майдонни ҳам ҳисобга олган ҳолда):

— умумий ҳолатда — келувчилар учун савдо зали ёки бинонинг 1,35 м<sup>2</sup> майдони;

— дўконлар учун, қаватдаги савдо залининг майдони 3500 м<sup>2</sup> дан ортиқ бўлганда — 3 м<sup>2</sup> майдони.

Квартиралардан эвакуация қилинаётган одамлар сонини аниқлашда шаҳар (туман) ижроия ҳокимиятининг маҳаллий органлари томонидан тасдиқланган одам қўйиш ёки рўйхатга олиш меъёрларини қабул қилиш лозим.

5.5. Баланд комплекснинг ҳар бир қавати (яхлит тўсувчи конструкциялар билан ажратилган қаватнинг бир қисми) иккитадан кам бўлмаган эвакуация чиқиш жойига эга бўлиши лозим. Эвакуация учун Н2 турдаги тутун босмайдиган камида иккита зина катакларни (ёнғин вақтида ҳаво бостириш билан) назарда тутиш лозим. Ҳаво узатилишини тақсимланган ҳолда, зина катаги ташқарисида бўлиниш ва ўтиш жойларини яратиш заруратини юзага келтирмасдан назарда тутиш керак. Қаватлардан эвакуация зина катакларга ўтиш йўллари 1-турдаги тамбур-шлюзлар орқали амалга оширилишини назарда тутиш лозим.

Баландлиги 100 м гача бўлган бинолар учун кириш жойи олдида тамбур-шлюзсиз Н1 турдаги зина катакларни назарда тутиш рухсат этилади. Табиий ёритиш йўқ бўлганда зина катакларида эвакуация ёритгичи ишончли электр таъминотининг 1-тоифали алоҳида гуруҳи бўйича таъминланиши ва бутун эвакуация вақтига мўлжалланган бўлиши керак, лекин 1 соатдан кам эмас.

Алоҳида ҳолатда, ҳар бир квартиралар 1-иловага мувофиқ хавфсизлик зонаси билан таъминланганда ва қаватнинг умумий майдони 300 м<sup>2</sup> дан ортиқ бўлмаганда, турар жой биносидан битта эвакуацияда чиқиш жойи бўлишига йўл қўйилади.

5.6. Тутун босмайдиган зина катаклари коридорнинг худди ўша бўлмасига туташиб қолмаслиги керак (ўша йўлак бир неча бўлмаларга бўлинган ҳолатда).

5.7. Зиналар маршларининг энини қуйидаги кўрсаткичлардан кичик бўлган қийматларда ҳисоблаб чиқиш лозим, м:

- турар жой биноларда — 1,2;
- бошқа мақсадли биноларда — 1,35.

Зиналар маршлари орасидаги тирқиш камида 120 мм, зина маршининг қиялиги 1:1,75 дан ортиқ бўлмаслиги керак.

5.8. Атриумга (пассаажга) чиқадиган барча хоналар горизонтал ўтиш йўли (галерея) бўйича камида иккита эвакуация йўлига эга бўлиши лозим. Агар хона ухлаш учун мўлжалланган бўлса, унда ушбу хонанинг эшигидан горизонтал ўтиш йўли бўйича зина катакларига олиб борадиган ҳимояланган эвакуация чиқиш жойигача эвакуация йўлининг узунлиги 30 м дан ортиб кетмаслиги керак. Агар бу хонадан ухлаш жойи сифатида фойдаланишмаса, ушбу йўлнинг узунлиги 60 м дан ошмаслиги лозим. Атриум орқали атриумга чиқмайдиган хоналардан чиқиш йўли эвакуация қилиш йўли сифатида ҳисобланмайди. Бинонинг ерости қисмидаги хоналар ва коридорларнинг атриум билан туташуви фақат ёнғин рўй берганда ҳаво бостирадиган 1-турдаги тамбур-шлюзлар орқали бўлишига йўл қўйилади.

5.9. Коридорларни тутун ўтказмайдиган эшикларга эга ёнғин бардошлилик даражаси EI 45 дан паст бўлмаган пардеворлар орқали узунлиги қуйидаги қийматлардан катта бўлмаган бўлинмаларга ажратиш лозим, м:

- умумий ҳолатда — 60;
- турар жой бинолар ва меҳмонхоналарда — 30.

5.10. Эвакуация йўлларини этажлардаги лифт холлари орқали ўтишига йўл қўйилмайди, лифтлардан эвакуация йўллари сифатида фойдаланиш ҳолатлари бундан мустасно. Лифт холларини эвакуация йўлларининг транзит қисмлари сифатида ишлатишга рухсат этилмайди.

5.11. Эвакуация йўлларида доимий иш жойларига эга бўлган (одамлар мавжуд бўлган) хоналар эшикларидан Н1 турдаги тутун босмайдиган ташқи ҳаво зонаси олдидаги тамбур эшикларигача ёки тамбур-шлюзлари мавжуд бўлган Н2 турдаги тутун босмайдиган зина катаклари эшикларигача бўлган масофани қуйидагилардан кўп бўлмаган ҳолда қабул қилиш тавсия этилади, м:

- турар жой секцияларида ўрта ва юқори ёнғиндан ҳимоя бўлинмалари учун - 12;
- боши берк коридорларда -

15;

— одамлар кўп йиғиладиган ўрта ва юқори ёнғиндан ҳимоя бўлинмаларидаги хоналар учун; бир вақтда 500 кишидан кўп бўлишига мўлжалланган хоналар учун

- 20;
- бошқа ҳолатларда — 25.

Кўрсатилган масофаларни 5.1 бандига мувофиқ одамларни ўз вақтида ва қаршиликсиз эвакуация қилиши бўйича тегишли ҳисоб-китобига мувофиқ аниқлаштириш лозим.

5.12. Бинолар шахсий ҳимоя воситалари билан таъминланган бўлиши шарт. Нафас олиш ва кўриш органларининг шахсий ҳимоя воситаларини назарда тутиш зарур:

- 50 м дан юқори баландликда жойлашган доимий иш жойларига эга бўлган (одамлар мавжуд бўлган) хоналарда;
- меҳмонхона номерларида;

— хавфсизлик зоналарида.

Эвакуацияни таъминлайдиган ходимларнинг иш жойларини нафас олиш ва кўриш органларининг шахсий ҳимоя воситалари ҳамда юқори иссиқлик таъсирларидан локал ҳимоя қилувчи воситалар билан таъминлаш зарур.

Ҳимоя воситаларининг сони улар билан таъминланиши лозим бўлган хоналарда бўладиган одамларнинг ҳисоблаб чиқилган сонидан келиб чиқиб аниқланади.

5.13. Баланд биноларнинг ёнғиндан ҳимоя бўлинмаларини ажратиб турувчи техник қаватларида, ёнғин лифтлари ёнида, майдони 12 м<sup>2</sup> дан кам бўлмаган **3-иловага** мувофиқ ёнғинга қарши ускуналар ва одамларни қутқариш воситаларини сақлаш учун мўлжалланган ёнғин ўчириш пунктларининг таянч хоналари лойиҳалаштирилган бўлиши лозим.

5.14. Биноларнинг 1-қаватидаги ҳар қандай вазифалар учун мўлжалланган хоналаридан (қўриқчилар хонасидан ташқари) бевосита Н2 турдаги тутун босмайдиган зина катакларнинг вестибюлларида чиқиш жойи бўлишига йўл қўйилмайди.

5.15. Бино баландлиги бўйича ҳар қандай зонага хизмат қиладиган йўловчи лифтлар гуруҳларининг ҳар бирида ёнғин лифтлари мавжуд бўлиши шарт. Ёнғин-қутқарув бўлинмаларини ташишга мўлжалланган ушбу лифтлар бинода йўловчилар оқимларига хизмат кўрсатадиган йўловчи лифтлардан алоҳида жойлаштирилиши зарур.

Баланд бинонинг турар жой ва офис қисмларидаги вестибюль зонасида алоҳида лифтлар кўзда тутилган бўлиши, қайси-ки ёнғин юз берганда лифтга чиқиш қаватига кўтарилади ва эшиклари очиқ ҳолада тўхтайтилиши ҳамда махсус калит ёрдамида “Ёнғин-қутқарув бўлинмаларини ташиш” режимига ўтказилади.

Бино (иншоот) ичида ёнғин-қутқарув бўлинмаларини ташувчи лифтларни ёнғин-қутқариш бўлинмалари ҳаракатланадиган йўлларда жойлаштирилиши кўзда тутилган бўлиши ва ёнғин-қутқарув бўлинмалари барча қаватлардаги ҳамма хоналарга кира олишларини таъминлаши лозим. Лифтдан бевосита яқин жойда ёнғин-қутқарув бўлинмалари учун, қоидага кўра, эвакуация қилиш зина катакларига чиқиш жойи назарда тутилиши лозим.

5.16. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 06.10.2017-йилги №801-сонли Қарори ва ГОСТ Р 53296 га мувофиқ ёнғин-қутқарув бўлинмалари бинонинг баланд қисмига кира олишлари ва ёнғин ўчириш имконига эга бўлишлари учун ёнғин-қутқарув бўлинмаларини ташиш (ёнғин ўчирувчилар учун лифт) режимига мўлжалланган камида иккита лифт бўлишини назарда тутиш керак.

Баланд бинода одамларни лифтлардан фойдаланган ҳолда эвакуация қилиш имкониятини кўзда тутиш лозим, эвакуация қилиш вақтининг ҳисоб-китоби **4-иловада** келтирилган.

5.17. Ёнғин лифти (ёнғин-қутқарув бўлинмаларини ташишга мослаштирилган) қуйидаги талаблардан мувофиқ бўлиши керак:

- лифт ҳар бир қаватда тўхташи ва эшикларини очиши лозим;
- лифтнинг юк кўтариш қобилияти 800 кг дан кам бўлмаслиги керак;
- лифт биринчи қаватдан энг юқори қаватгача кўтарилиши вақти 60 с дан ортиқ бўлмаслиги лозим (ҳар қандай ҳолатда лифтлар тезлиги 2,5 м/с дан паст бўлмаслиги керак);
- кучланиш остидаги ва назорат кабелли, электр симлари ҳамда лифтни бошқариш панелларига сув ўтмаслигининг чоралари кўрилиши лозим;
- махсус бошқариш тугмаси биринчи қаватда ёнғин лифтига кириш жойида ўрнатилиши керак;

- лифтнинг ички безатилиши ёнмайдиган материалдан бажарилган бўлиши лозим;
- лифт МБП га эга бўлган сўзлашиш қурилмаси билан жиҳозланган бўлиши керак.

5.18. Бинонинг ертўла қаватларида жойлаштирилган автотураргоҳлар ва бошқа хоналар ўз лифтлари гуруҳларига, шу жумладан ёнғин ўчирувчилар учун ҳам мўлжалланган лифтларга эга бўлиши лозим. Баланд бинонинг ерости қисмидаги лифтлар ер устидаги биринчи қаватдан баланд кўтарилмаслиги керак.

5.19. Бинога хизмат қиладиган ва ертўлада жойлаштирилган техник хоналар шу ертўланинг ўзида жойлаштирилган автотураргоҳлардан алоҳида бўлган эвакуацияда чиқиш йўлларига эга бўлиши лозим. Улар 1-турдаги тамбур-шлюзлар орқали автотураргоҳларга туташшига йўл қўйилади.

## **6. Материаллар**

6.1. Умумий эвакуация йўлларида (коридорлар, холлар, лифт холлари, вестибюль, фойе, зина катаклари, тамбурлар) ва техник қаватларда деворларни безатиш, осма шифтларни тўлдириш, полларни қоплаш учун ёнмайдиган материаллар назарда тутилиши лозим.

6.2. Номерлардаги хоналар ва ётоқхоналарда деворларни пардозлаш учун ёнғинга хавфлилиги Г2, В2, Д2, Т2 дан юқори бўлган қурилиш материалларидан фойдаланиш ва полларни қоплаш учун ёнғинга хавфлилиги В2, РП2, Д2, Т2 дан юқори бўлган материалларни ишлатишга йўл қўйилмайди.

6.3. Кўп одамлар йиғиладиган хоналарнинг деворларини ва шифтларни пардозлаш ҳамда осма шифтларни тўлдириш учун ёнғин хавфлилиги Г1, В1, Д1, Т1 дан юқори бўлган қурилиш материалларини қўллаш ва полларни қоплаш учун ёнғинга хавфлилиги В1, РП1, Д1, Т1 дан юқори бўлган материаллардан фойдаланишга рухсат этилмайди.

6.4. Одамлар кўп йиғиладиган хоналар интерьерини безатиш учун мўлжалланган юмшоқ креслоларнинг элементлари, тўқимачилик материаллари тез алангаланадиган материалларга кирмаслиги керак, бунда креслолар ёниш маҳсулотларининг захарлилиги бўйича Т2 синфидан баланд бўлмаслиги шарт.

6.5. Муҳандислик коммуникацияларнинг материаллари ёнувчан бўлмаслиги керак, хона чегарси ташқарисидан ўтказиладиган ҳамда қават доирасида ўтказиладиган электр симлари бундан мустасно.

## **7. Шамоллатиш ва ҳавони кондиционерлаш тизимларига қўйиладиган ёнғин хавфсизлиги талаблари**

7.1. Ҳар бир ёнғиндан ҳимоя бўлинмаси алоҳида сўрувчи оқим-тортиш шамоллатиш тизимлари билан таъминланиши лозим. Шамоллатиш камералари, қоидага кўра, хизмат кўрсатилаётган ёнғиндан ҳимоя бўлинмаси чегараларида жойлашган бўлиши керак.

7.2. Шамоллатиш каналлари ёнмайдиган материаллардан ишланган бўлиши, ёнғинга қарши тўсиқлардан (деворлар, тўсинлар ва ҳ.к.) ўтганда эса мос ёнғинга бардошлик даражасига эга бўлган ёнғинни тўхтатиб қолувчи клапанлар билан жиҳозланиши керак.

7.3. Хонадонлар (апартаментлар), офислар ва ижтимоий-маданий мақсадларга хизмат қиладиган бошқа хоналардан чиқадиган ҳаво ўтказгичларнинг вертикал коллекторга уланадиган жойларида ёнғинни тўхтатиб қолувчи клапанлар ўрнатилиши лозим.

7.4. Хоналардан транзит тартибида ўтадиган шамоллатиш тизимларининг ёнғин бардошлилиги камида 0,5 соатга тенг бўлиш, ёнғинга қарши тўсиқдан кесиб

ўтадиган қисми эса - ёнғинга қарши тўсиқнинг ёнғин бардошлигидан паст бўлмаслиги шарт.

7.5. Вертикал шамоллатиш тизими ёнғин бардошлилик даражаси 180 дақиқага тенг бўлган шахталардан ўтказилиши лозим.

7.6. Ёнғиндан ҳимоя бўлинмасига хизмат қиладиган шамоллатиш тизимлари ёнғин юз берганлиги ҳақидаги сигнал келиб тушгандан сўнг автоматик равишда ўчирилиши керак.

7.7. Ер устидаги хоналар орқали транзит тартибида ўтадиган ерости автотураргоҳларнинг муҳандислик коммуникациялари (сув қувурлари, канализация ва металл қувурлардан ясалган иссиқлик таъминоти тизимларидан ташқари) ёнғин бардошлилик даражаси 180 дақиқадан кам бўлмаган қурилиш конструкциялари билан изоляция қилиниши лозим. Ерости автотураргоҳлардан транзит тартибида ўтадиган ер устидаги муҳандислик коммуникациялар ҳам ёнғин бардошлилик даражаси 180 дақиқадан кам бўлмаган қурилиш конструкциялари билан изоляция қилиниши зарур.

## **8. Тутунга қарши ҳимоя комплекси**

8.1. Тутунга қарши ҳимоя хавфсизлик зоналарида одамларни ҳимоя қилиш учун, одамларни қутқариш ишлари олиб борилаётганда ёнғин-қутқарув бўлинмалари учун зарур шароитларни яратиш ҳамда одамлар бинодан хавфсиз эвакуация қилинишини таъминлаш учун назарда тутиш лозим.

8.2. Тутунга қарши ҳимоя таркибида қуйидагилар назарда тутилиши лозим:

— автоном, автоматик ва масофадан бошқариладиган тутунга қарши сўриб-тортиш шамоллатиш тизими;

— талаб этиладиган техник кўрсаткичларга эга бўлган конструкция ва қурилмалар;

— тутунга қарши шамоллатиш тизимлари билан белгиланган кетма-кетликда ва талаб этилган уйғунликда, ёнғин содир бўлган жойини аниқлайдиган (ёнаётган хонанинг жойлашувига) ҳар хил ёнғинга хавфли вазиятлардан келиб чиққан ҳолда ҳаракатларининг ҳисоблаб чиқилган режимларини таъминлайдиган бошқариш воситалари;

— 400°C ҳароратда 2 соат давомида ишлаш қобилиятини сақлаб турадиган махсус ишлаб чиқарилган вентиляторлар;

— узатмалари автоматик, масофавий ва қўлда (улар ўрнатилган жойларда) бошқариладиган ўтиш кесимининг ҳар 1 м<sup>2</sup> майдонига тутун ва газ ўтишига минимал келтирилган рухсат этилган қаршилиги 8000 кг –1 м–1 дан кам бўлмаган, ёнғинга бардошлилик даражаси EI 60 дан кам бўлмаган тутун клапанлари;

— ёнғин автоматикаси қурилмалари билан бошқариладиган ёнғинга қарши клапанлар;

— ёнғинга бардошлилик даражаси меъёрланадиган тутун чиқариш ва шамоллатиш шахталари.

Шамоллатиш тармоқларини тутун клапанлари билан ёнғин бардошлилик даражаси мос бўлган шахталарга бириктиришга йўл қўйилади, шу жумладан тутун клапанларини осма шифтлар тўсиқларининг оралиқарига жойлаштирган ҳолда.

8.3. Тутунга қарши сўрувчан шамоллатиш тизимлари учун қуйидаги асосий функциялар бажарилишини назарда тутилиши шарт:

— умумий йўлакларлар, холлар, вестибюллардан улар табиий тарзда ёритилишидан қатъи назар тутунни мажбурий чиқариб ташлаш;

— одамлар кўп йиғиладиган хоналардан, шунингдек атриумлар (пассажлар) ва галереялардан, ёпиқ автомобиллар сақлаш хоналаридан, ер остидаги ва ер

устидаги автотураргоҳ хоналари ва ажратиб қўйилган рампаларидан, тоннеллардан тутунни мажбурий чиқариб ташлаш.

8.4. Оқимли тутунга қарши шамоллатиш тизимлари ёрдамида қуйидаги асосий функциялар бажарилиши лозим:

— Н2 типидagi тутун кирмайдиган зина катакларидa ва Н2 типидagi зина катакларидa олдидаги тамбур-шлюзларда ортиқча босим ҳосил қилиш учун ташқи ҳаво оқимини бериш;

— одамларни эвакуация қилиш учун (ёнғин қаватда) лифтлардан фойдаланганда ортиқча босим ҳосил қилиш учун лифт шахталарига ва ҳар бир қаватдаги лифт холларига ташқи ҳаво оқимини бериш;

— Н3 типидagi зина катакларининг тамбур-шлюзларда ва ертўладаги лифтлар ва зина катакларидa олдидаги тамбур-шлюзларда ортиқча босим ҳосил қилиш учун ташқи ҳаво оқимини бериш.

8.5. Тутунга қарши шамоллатиш тизимларини ҳаракатларининг автономлиги қурилиш қисмлари билан ажратилган ёнғиндан ҳимоя бўлинмаларининг ҳар бирига хизмат кўрсатиши (ҳимоялаши) зарурлиги таъминланган бўлиши шарт.

8.6. Лифтлардан ер остидagi автомобиллар гараж-тураргоҳлари хоналарига чиқишда оқимли тутунга қарши шамоллатиш автоном тизимига эга бўлган тамбур-шлюзларни ташкил этиш талаб этилади.

8.7. Тутунга қарши шамоллатиш тизими каналлари, кондиционерлар ва вентиляторларни жойлаштириш учун хоналарнинг тўсувчи конструкциялари билан кесишган жойларида, ёнғин юз берганда автоматик тарзда ёпувчи (учкунтутувчи) клапан ўрнатилган бўлиши шарт.

8.8. Хизмат кўрсатилаётган қаватлар чегарасида тутунга қарши шамоллатиш тизимларининг транзит ҳаво узатувчиларини ўтказишда уларнинг конструкцияларининг ёнғин бардошлилик даражасини кесишадиган ёнғинга қарши тўсиқлар учун максимал ёнғин бардошлилик даражасидан кам бўлмаслигини таъминлаш лозим. Хизмат кўрсатилаётган қават чегарасидан ташқарида транзит ҳаво узатувчиларининг ёнғин бардошлилик даражаси кесишадиган қаватлар ораёпмасининг ёнғин бардошлилик даражасидан кам бўлмаслиги шарт. Транзит ҳаво узатувчиларини хизмат кўрсатиладиган қават чегарасидан ташқарида ёнғин бардошлилик даражаси **1-жадвалга** мос бўлган шахталардан ўтказишга йўл қўйилади.

8.9. Ёнғин бардошлилик чегараси меъёрланадиган ҳаво узаткичларни йўналишли иссиқлик кенгайиши компенсаторлари билан жиҳозлаш лозим. Ҳаво узаткичларнинг уланиш қисмларини зичлаш учун ёнмайдиган материаллардан фойдаланилиши шарт. Ҳаво узаткичларни ёнғинга қарши тўсиқлар билан кесишадиган жойларда пўлатдан ясалган ўрнатма элементлари мавжуд проёмларни назарда тутиш керак. Шамоллатиш каналлари ва кайд этилган проёмларнинг бирикадиган юзаларига ёнғиндан ҳимояловчи қопламалар билан ишлов беришга йўл қўйилмайди.

8.10. Атриумлардан (пассажлардан) ва ажратиб қўйилган (изоляция) автомобиллар гараж-тураргоҳларининг рампаларидан ёниш маҳсулотлари билан бирга чиқариб юбориладиган ҳаво ҳажмини қоплаш учун ҳимоя қилинадиган ҳажмларнинг қуйи қисмига ташқи ҳавони узатишни назарда тутилиши лозим.

8.11. Тутунни чиқариб ташловчи вентиляторлар учун талаб этиладиган ёнғин бардошлилик даражалари оқиб ўтувчи газларнинг ҳисоблаб чиқилган ҳароратидан келиб чиқиб белгиланади.

8.12. Тутунга қарши оқиб-тортувчи шамоллатиш тизимларининг ҳисоблаб чиқилган параметрларини аниқлашда хизмат кўрсатилаётган (ҳимоя



қилинаётган) хоналар учун оқиш ва тортиш бўйича харажатлар талаб этиладиган мувозанатсизликни 30% дан ортиқ бўлмаган ҳолда таъминлаш керак.

8.13. Тутунга қарши сўриш шамоллатиш тизимларидан ташқи ташланмаларни, белгиланган тартибда тасдиқланган усулбуйи кулланмалар бўйича ҳисоб-китоблар асосида, баланд биноларнинг фасадларига реал шамол юкламаси шароитларида дераза проёмлари ва тутунга қарши оқувчан шамоллатиш тизимларининг сўрувчан қурилмаларига ёниш маҳсулотлари (тутун) таъсирини олдини олишни таъминланишини ҳисобга олиб лойиҳалаштирилиши лозим.

Тутун хайдаш тизимидан бино фасадида ташланмаларнинг тезлигини 20 м/с дан кам бўлмаган ҳолда амалга оширилади, бунда оқувчи тутунга қарши шамоллатиш тизими учун ҳаво сўриш қурилмасига тутун киришига йўл қўйилмайди.

Бинолардан фойдаланиш хавфсизлигини янада оширишни таъминлаш учун стилобат қисмидаги ҳаво олиш ва ташлаш жойларини ер юзидан 10 м дан кам бўлмаган баландликда назарда тутиш лозим. Ҳаво сўриш тешигини 20<sup>0</sup> бурчак остида пастга қаратиб жойлаштирилиши лозим.

8.14. Бинонинг баланд қисмида ташқи ҳаво учун қабул қилиш қурилмалари ва тортиб чиқарилган ҳавони атмосферага ташлаш қурилмаларини техник ёки хизмат кўрсатиладиган қаватларнинг сатҳида бир хил, очилмайдиган деразалари мавжуд бир фасаднинг ўзида, уларнинг орасидаги масофа куйидаги кўрсаткичлардан кам бўлмаган ҳолда жойлаштирилишига йўл қўйилади, м:

- горизонтал бўйича — 10;
- вертикал бўйича (горизонтал бўйича масофа 10 м дан кам) — 6.

8.15. Ёнғин юз берганда бино фасадидан ҳаво сўришда умумалмашув шамоллатиш тизимларининг ҳаво узаткичларига автоматик равишда ёпиладиган учқун тутувчи клапанлар ўрнатилишини назарда тутиш шарт.

8.16. Тутунга қарши ҳимоянинг масофавий бошқаруви, ёнғинга қарши кранлар шкафларида ўрнатилган тугмалардан амалга оширилиши мумкин.

8.17. Ёнғин юзага келган ҳолатда, қоридаги ёруғлик фанарларини (зенит фанарларидан) тутун хайдаш тизими сифатида фойдаланилганда уларни очиш учун автоматик, масофавий ва қўлда ишлатиладиган (электр таъминот узилганида қўл ёрдамида очиш имконияти) узатмаларга эга бўлиши ва силикат ойнадан фойдаланишда эса – пастдан ҳимоя тўри назарда тутилган бўлиши шарт.

8.18. Биноларнинг тутунга қарши ҳимоясини талаб этиладиган параметрларини ҳисоб-китоб қилиш учун дастлабки маълумотлар куйидаги кўрсаткичлар гуруҳини ўзига олиши керак:

- ҳимояланадиган ҳажмнинг (хоналар, шу жумладан коридорлар ва зина-лифтлар узеллари) геометрик кўрсаткичлари;
- проёмларни (эшик ва дераза) тўлдирувчи конструкцияларнинг геометрик характеристикаси ва ҳаво- ва тутун-газ ўтказишининг қаршилиқ қиймати;
- шамоллатиш каналларининг геометрик ва гидравлик характеристикаси ва зичлиги кўрсаткичлари;
- ташқи ва ички ҳаво параметрлари;
- ёнғин юкламасининг параметрлари.

8.19. Эшик ва дераза проёмларини тўлдирувчи элементларнинг геометрик ўлчамларини ва ҳаво- ва тутун-газ ўтказувчанлиги кўрсаткичларини, уларни ишлаб чиқарган корхоналарнинг техник маълумотлари бўйича қабул қилиш лозим. Икки паллали эшиклар ҳолатида битта, каттароқ палланинг эни ҳисобга олинади.

8.20. Ташқи фасадларга шамол таъсири йўналишини шамол эсиши йўналишлари бўйича белгилаш ёки шартли равишда қуйидагича қабул қилиш тавсия этилади: тўғри — ёнаётган уйнинг дераза проёмлари ва ташқи ташланма қурилмалари учун, тескари — ҳимоя қилинадиган зина катакларининг дераза проёмлари, уларнинг ташқарига чиқиш эшиклари ва ташқи ҳаво сўрувчи қурилмалари учун.

8.21. Ёнғин юкмаси параметрларини фойдаланиш технологияси маълумотларига мувофиқ қабул қилиш ва солиштирма эквивалент ёғоч ифодасида расмийлаштириш лозим.

8.22. Тутунга қарши ҳимояни ҳисоб-китоб қилишнинг асосий мезонлари қуйидагилар бўйича қабул қилинади:

— тутун қатламининг максимал рухсат этилган қалинлиги бўйича;

— зина катаклари, лифт шахталари, тамбур-шлюзларнинг ҳимоя қилинадиган ҳажмларидаги ортиқча босим бўйича ёки тамбур-шлюзлар эшикларининг очиқ проёмлари орқали ҳаво оқиб чиқишининг энг кичик рухсат этилган тезлиги бўйича.

8.23. Бевосита ёнаётган хонада ёки ёнаётган хонанинг ёнидаги эвакуация йўлларида ҳосил бўладиган тутун қатламининг максимал рухсат этилган қалинлиги ички эвакуация йўлларининг жойлашув даражасини ва хоналар баландлигини ҳисобга олган ҳолда қабул қилинади.

8.24. Ёнаётган хона билан ёнма-ён жойлашган горизонтал эвакуация йўллари учун тутун кирмайдиган зонасининг баландлигини 2,5 м дан кам бўлмаган ҳолда (пол сатҳидан тутун қатламининг қуйи чегарасигача) қабул қилиш лозим.

Тутун кирмайдиган зонанинг баландлиги хавфсиз эвакуацияни таъминлаш шартлари билан белгиланади. Тутунга қарши ҳимоянинг параметрларини эвакуациянинг ҳисоблаб чиқилган вақти бўйича аниқлаш керак. Ушбу вақтдан ошиб кетилганда (эвакуация тугаши билан) тутун қатлами белгиланган сатҳдан (баландликдан) пастроқ тушишига йўл қўйилади.

8.25. Ҳимояланадиган зина катаклари, лифт шахталари ва тамбур-шлюзлар эвакуация чиқишлари бўлганида ортиқча босим миқдорини рухсат этиладиган 20 дан 150 Па гача диапазонда аниқлаш тавсия этилади.

8.26. Ҳимоя қилинадиган зина катаклари учун ортиқча босимнинг қуйи қиймати (8.25 бўйича рухсат этилган диапазон чегарасида) тутунга қарши оқимли ва тортиш шамоллатиш тизимининг биргалиқдаги ҳаракатини инобатга олган ҳолда қабул қилиниши лозим. Бунда ҳимояланадиган зина катакларининг эшикларини ҳисоблаб чиқилган ҳолатини “ёнғин бўлаётган қаватдаги очиқ эшик ва қолган эшиклар ёпиқ” ёки “ташқарига чиқиш эшиги очиқ ва қолган эшиклар ёпиқ” каби уйғунликда назарда тутиш керак.

Ортиқча босимнинг юқори қийматини зина катакларининг эшикларини оддий куч ишлатиб (15 кг дан ортиқ бўлмаган ҳолда) очишни таъминлаш шarti бўйича қабул қилиш лозим. Зина катакларининг эшикларини мажбурий очиш бўйича қўшимча мосламалар қўлланилганда ортиқча босимнинг юқори қиймати чекланмаслиги мумкин.

8.27. Ҳимояланадиган лифт шахталари учун ортиқча босимнинг қуйи қийматини ((8.25 бўйича рухсат этилган диапазон чегарасида) асосий ўтказиш қаватларида очиқ эшиклар учун тутунга қарши оқимли ва тортиш шамоллатиш тизимининг (зина катакларини ҳимоя қилиш учун мўлжалланган) биргалиқдаги ишлашини ҳисобга олган ҳолда қабул қилиш керак.

Ортиқча босимнинг юқори қийматини лифт шахталари эшикларини очиш-ёпиш қурилмаларни кучи бўйича аниқлаш лозим. Бу қиймат, ушбу типдаги қуввати характеристикаси юқори бўлган қурилмадан фойдаланилганда, ортиши мумкин.

8.28. Зина катакларига ва лифт шахталарига узатиладиган ҳаво сарфи аниқланаётганда моддий мувозанатни таъминлаш зарур (чиқариб ташланадиган ёниш маҳсулотларининг оммавий сарфи бўйича).

## **9. Электр таъминотиغا қўйиладиган ёнғинга қарши техник талаблар. Умумий фойдаланишдаги электр ускуналарнинг ёнғин ҳимоясига бўлган талаблар**

9.1. Кириш-тақсимлаш қурилмаларнинг барча хоналари ва электр шит хоналари ёнғин бардошлилик даражаси EI 90 дан кам бўлмаган ёнғинга қарши деворлар билан ажратилиши лозим.

9.2. Электр қурилма ва материалларнинг конструкцияси, бажарилиш шакли, ўрнатиш усули, изоляциясининг синфи электр тармоқнинг номинал кучланишига, атроф муҳит шароитлари ва техник шартларга мувофиқ бўлиши зарур.

9.3. Узоқ муддат ишлатилаётган шароитларда ҳаддан ташқари қизиб кетишининг олдини олиш учун симлар, кабеллар, аппаратлар, электр двигателлари талаб этиладиган юкланма ва қувватларга мўлжалланган бўлиши лозим. Электротехник қувур ва шахталардан кабелларни ўтказишда ёнғинни тарқатмайдиган изоляциядан фойдаланиш лозим ёки кўрсатилган шахталар ёнғинни автоматик ўчириш тизимлари билан жиҳозланган бўлиши керак.

9.4. Транзит кабелларни ёнғинга хавфли хоналардан ва зина катакларидан ўтказишга йўл қўйилмайди.

9.5. Кучланиш остидаги ва ёритиш тармоқларини конструктив бажарилиши, ўтказиш усуллари ва уларни қисқа туташуш тоқларидан ва отқиқча кучланишлардан ҳимоя қилиш турлари, қурилмаларининг турлари, аппаратуралар

ва ўрнатиш буюмлар хоналар вазифасига мос бўлиши, уларни ёнғинга хавфлилиги муносабати бўйича мос ҳудуд ва хоналарга ЭҚТҚ бўйича таснифланиши лозим. Ёнғинга қарши тўсиқлар кабеллар гуруҳлари билан кесишадиган жойларда ёнғинга бардошли кабел ўтказиш жойларини назарда тутиш шарт.

9.6. Кучланиш остидаги қурилмаларнинг элементларини қисқа туташув режими, қисқа туташув тоқларига динамик чидамлилигини ва зарбали ток бўйича текшириш зарур.

9.7. Вертикал йўналишда ўтказиладиган сим ва кабелларни ёнғин бардошлилик даражаси EI 90 дан кам бўлмаган, сатҳ ораёпмалари худди шундай ёнғин бардошлилик даражасига эга бўлган горизонтал тўсиқлари мавжуд мустақил шахталар орқали ўтказишни назарда тутиш лозим; кучланиш остидаги устунлар ва кучсиз тоқли устунларни ўтказиш учун коммуникация шахталари ва қувурларини эшикларининг ёнғин бардошлилик даражаси EI 60 га тенг ҳолда бажарилиши керак. Хизмат кўрсатиладиган ёнғиндан ҳимоя бўлинмасининг ташқарисида транзит шахталари, қувурлар ва каналлар тўсадиган конструкцияларининг ёнғинга бардошлилик даражаси REI 180 дан кам бўлмаган қилиб қабул қилиш керак.

9.8. Сим ва кабелларни шамоллатиш каналлари ва шахталаридан ўтказишга йўл қўйилмайди.

## **10. Ёнғинга қарши ҳимоя ускуналарининг электр таъминотиغا бўлган талаблар**

10.1. Бинонинг ёнғин хавфсизлигини таъминловчи барча тизимлар электр таъминоти ишончилиги бўйича 1-тоифадаги алоҳида гуруҳи бўйича, асосий манбадан захирадаги манбага автоматик равишда ўтказиладиган иккита мустақил электр энергияси манбаларидан электр энергияси билан

таъминланиши лозим. Учинчи манба сифатида дизель электростанцияни назарда тутиш керак.

10.2. Ёнфинга қарши ҳимоя тизимининг ускуна ва аппаратуралари электр таъминоти авария ҳолатида ўчиб қолган тақдирда электр таъминотни автоматик равишда тиклаш учун захира таъминотни автоматик ёқиш (ЗАЁ) бўйича махсус қурилмаларни назарда тутиш лозим.

10.3. Трансформатор подстанциялари ер остидаги биринчи қаватидан паст бўлмаган ҳолда, бевосита ташқарига чиқиш йўллари мавжуд бўлган хоналарда жойлаштирилишини назарда тутиш керак. Бинода ўрнатиладиган трансформаторлар ва қурилмалар бажарилиши қуруқ бўлиши лозим.

10.4. Ҳар бир трансформатор подстанцияси иккита мустақил ўзаро захира йиғувчи манбалардан электр энергияси билан таъминланиши ва ёнфинга қарши ҳимоянинг бир вақтда ишлайдиган барча тизимларининг тўлиқ ишчи қувватига мўлжалланган бўлиши керак.

10.5. Ёнфинга қарши тизим ва қурилмаларни таъминловчи электр тармоқлари ёнфин бардошлилик даражаси EI 60 га тенг бўлган ёнфинга қарши деворлар билан тўсилган ажратиб қўйилган каналлар орқали ўтказилиши лозим.

Электр тармоқларини таъминлайдиган ўзаро захира йиғувчи манбаларни турли трассалардан ўтказиш зарур.

10.6. Ёнфинга қарши ҳимоя тизимларининг электр таъминотини ажратувчи (қизил) ранга бўялган мустақил электр шитларидан олиш керак.

10.7. Ёнфинга қарши ҳимоя тизимларининг электр таъминотини металл қувур ёки коробка ичидан ёнфиндан ҳимоя бўлинмалари доираларида ўтказилган ва ёнфин бардошлилик даражаси 1,0 соатдан (ПОЗ тоифаси) кам бўлмаган сим ва кабеллар орқали узатилиши лозим; сим ва кабеллар транзит тартибида ёнфиндан ҳимоя бўлинмаси ташқарисида ўтказиладиган ҳолларда – деворлари ёнфин бардошлилик даражаси EI 150 дан кам бўлмаган канал ва шахталар орқали ўтказилиши зарур.

10.8. Барча электр токидан фойдаланувчилар учун ҳам ускуналар ўрнатиладиган жойда қўл ёрдамида бошқариш ҳамда диспетчерлик бошқариш пунктдан масофаи бошқаришни назарда тутиш лозим.

10.9. Электр тармоқлари ораёпмалар ва деворлардан ўтиш жойлари ёнфинга бардошлилик даражаси ораёпманинг (деворнинг) шундай даражасидан кичик бўлмаган ёнфиндан ҳимояловчи материаллар билан зичлантирилиши зарур.

10.10. Электр ускуналарни, электр симлар тармоқларини, автоматик ёнфиндан ҳимоя тизимларининг электр ускуналарини ҳимоя қилиш ва бошқариш аппаратларини танлаш жараёни ёнфин ва портлаш хавфи бор нормал муҳит ва таснифига мансуб ЭҚТҚ талабларига мувофиқ амалга оширилиши лозим.

10.11. Қўшимча мустақил қувват манбаи сифатида дизел-генератор қурилмаларини (ДГҚ) ишлатишга рухсат этилади. Бунда бинонинг ўлчамлари бўйича ер усти ёки ости қаватларига ДГҚни қуйидаги талабларни бажарилиши шarti билан жойлаштиришга йўл қўйилади:

- ДГҚ хонасидан тўғридан-тўғри ташқарига чиқишни назарда тутилиши, ҳамда ДГҚ хонаси ва бошқа чиқиш йўллари билан боғланиши 1-турдаги тамбур-шлюз ва ёнфин пайтида хаво бериш қурилмаси билан таъминлаганда;

- ёқилғи тўкилганда ёйилиб кетишини олдини олинганда (бортик, марза қурилиши ёки бошқалар);

- қурилмадаги барча ёқилғини тўкиш учун ДГҚнинг тагида поддон қурилмасини ўрнатилганда;

- тўкилган ёқилғини аниқловчи газоанализатор қурилмалар ўрнатилши ва сигналларни ёнфин хавфсизлиги постига чиқарилиши, шунингдек механик ишга тушириш қурилмаси билан фавқулодда шамоллатиш ускуналарини ўрнатишни таъминланганда;

- ДГҚ хонасида АЁЎ қурилмаси ўрнатилганда;
- ҳар бир ДГҚнинг конструкциясидаги асосий ёқилғи сақлаш сиғими 1 м<sup>3</sup> дан ортиқ бўлмаганда;
- ДГҚнинг қуввати ва ёқилғи захираси ёнғин даврида ёнғин хавфсизлиги тизимининг нормативда белгиланган вақт давомида ишлашини таъминлаши лозим.

Газли генераторларни норматив ҳужжатларда белгиланган ёнғин хавфсизлиги талабларини ҳисобга олган ҳолда, уларни алоҳида турувчи хонада ўрнатилишига рухсат берилади.

10.12. Ёнғинга қарши ускуналар жойлаштириладиган барча хоналар авария ҳолатидаги ёритгичлар билан жиҳозланиши шарт.

### **Ёритишга бўлган талаблар**

10.14. Бинолар авария ва эвакуация ёритгичларига эга бўлиши лозим. Авария ва эвакуация ёритгичларини ягона тармоққа бирлаштирилишига йўл қўйилади.

10.15. Эвакуация ёритгичлари қуйидаги жойларда назарда тутилади:

- одамлар ўтиши учун хавфли жойларда;
- одамларни эвакуация қилиш учун мўлжалланган ўтиш жойлари, коридор ва зина катаклариди.

10.16. Коридорлар, зина катаклари ва бир вақтнинг ўзида 50 нафардан ортиқ одамлар тўпланадиган хоналарнинг эшик проёмлари устида эвакуация ёритгичлари тармоғига уланган “Чиқиш” кўрсаткич белгилари, коридорлар, фойе, холларда эса – одамлар ҳаракатланиши йўналишини кўрсатувчи стрелкалар ўрнатилиши лозим. Ишчи ёритгичлар гуруҳ линиялари ҳамда авария ва эвакуация ёритгичлари гуруҳ линиялари электр тармоқлари алоҳида трассалардан ўтказилиши шарт.

10.17. Барча эвакуацияда чиқиш йўллари автоном таъминот манбаига эга бўлган ёруғликли кўрсаткичлар билан белгиланади.

10.18. Эвакуация ёритгичлари асосий ўтиш жойларининг полида ва зина катакларининг зиналарида ёритилиш даражаси 0,5 Лк дан кам бўлмаслиги лозим.

10.19. Авария ҳолатида ишлатиладиган электр ёритгичлар хавфсизлик зоналари (эвакуацияда чиқиш йўллари, зина катаклари, тамбур-шлюзлар, авария- қутқариш хизматлари кириш галереялари) ЭҚТҚ 6 ва 7-бўлимлари талабларига мувофиқ ўрнатилиши шарт.

### **11. Ёнғин сигнализациясининг автоматик тизими**

11.1. Баланд бинолар манзилли ёнғин сигнализацияси тизими (кейинги матнда – МЁСТ) билан жиҳозланган бўлиши лозим.

11.2. МЁСТ бутун бино ёки ёнғиндан ҳимоя бўлинмаси учун ягона қилиб лойиҳалаштирилади ва ривожланиш (захира тўплаш) имкониятига эга бўлиши керак. МЁСТ бошқариш қурилмаларини ёнғин хавфсизлиги пости хонасида жойлаштирилиши зарур. Ёнғин хавфсизлиги пости комплекс хавфсизлик тизимини бошқариш пункти таркибига киритилиши мумкин.

11.3. Ёнғин хавфсизлигини таъминлаш тизимлари комплексига интеграциялашмаган автоматик ёнғинга қарши ҳимояни бошқариш бўйича алоҳида бошқариш станцияларидан (шу жумладан газ ёнғинини ўчириш модуль қурилмалари, сувнинг майда заррачаларини пуркаш қурилмалари ва бошқа модулли ёнғин ўчириш қурилмалари) ва МЁСТ дан фойдаланишга йўл қўйилмайди.

11.4. Манзилли ёнғин хабаргоҳ воситалари (кейинги матнда – МЁХВ) барча хоналарда ўрнатилиши зарур, ҳўл жараёнли хоналар, зина катаклар ва

тамбурлар бундан мустасно. МЁХВ тури, шу жумладан қўлда ишлайдиган ёнғин хабаргоҳлари (ҚЁХ), уларнинг сони ва хонадаги жойлашуви ШНҚ 2.04.09. қоидалари талаблари билан белгиланади. Хонадонларнинг даҳлизларида, йўлакларида, омборхоналарида, хоналарида, ошхоналарида ва меҳмонхоналарида тутундан автоматик хабар бериш ёнғиндан хабаргоҳлари ўрнатилишини назарда тутиш лозим.

11.5. Ёнғин сигнализацияси тизими бўйича лойиҳавий ишларни бинони ёнғиндан ҳимоя қилиш тизимларини бошқаришга оид ишлаб чиқилган алгоритм бўйича амалга ошириш ва бу тизимлар ўз вақтида ишга тушишини таъминлаш ҳамда ёнғиннинг хавфли омиллари юзага келишидан олдин одамларни эвакуация қилишни бошқариш ва ёнғин оқибатида моддий йўқотишларни камайтириш зарур.

11.6. МЁХВнинг бошқариш алгоритми ёнғинни ривожланиш прогнози, одамларни эвакуация қилиш жараёнини таърифловчи вақт оралиқлари (хавфсизлик зоналари жойлашувини ҳисобга олган ҳолда) ҳамда ёнғин оқибатида юзага келган моддий йўқотишларни баҳолаш (бино ёнғиндан ҳимоя бўлинмаларига бўлинишини ҳисобга олган ҳолда) асосида шаклланиши лозим.

11.7. МЁХВда автоматик ёнғин хабаргоҳларидан бири ишлаб кетганда “Ташвиш” сигнали узатилиши ва ҳимоя қилинадиган ҳудуд, хабаргоҳ ишлаган жойдаги вазиятни видеотасмага тушуриш тизими ишга тушиши шарт.

11.8. МЁХВдаги ҳимоя қилинадиган ҳудудда иккита ёнғин хабаргоҳлари бир вақтда ишлаб кетганда “Ёнғин” сигнали узатилиши ва алгоритм бўйича ҳамда дастурий таъминотга мувофиқ, қуйидагиларни автоматик тарзда ишга туширилиши учун импульслар (буйруқ) ҳосил бўлиши шарт:

- одамларни ёнғиндан хабарлаш ва уларни эвакуация қилишни бошқарувини;
- тутунга қарши комплекс ҳимоясини;
- эвакуация йўлларидаги эшикларни қулфларини деблокировка қурилмаларини;
- тутун ва оловдан ҳимояловчи ўзгарувчан тўсиқларни тушириш қурилмаларини (улар мавжуд бўлганда);
- авария ва эвакуация ёриткичларини;
- ички ёнғин ўчириш сув таъминотининг насосларини;
- дренчерли сувли пардаларни;
- автоматик ёнғин ўчириш қурилмаларини (агар бу лойиҳада кўзда тутилган бўлса) ва ҳ.к.

## **12. Телевизион кузатувнинг кичик тизими**

12.1. Баланд бинодаги эвакуация йўлларини, автомобиллар тураргоҳларини видеокузатув тизими билан жиҳозлаш лозим.

12.2. Видеокузатув камералари эвакуация зиналарида, зина катакларида, кордорларда, холларда (шу жумладан лифт холлари), автомобиллар тураргоҳларида ўрнатилиши керак.

12.3. Камераларни ўрнатиладиган жойлари назорат қилинадиган ҳудудларнинг тўлиқ манзараси кўринишини таъминлаши шарт. Тасвирлар диспетчерлик пунктида ўрнатилган мониторларга узатилиши шарт. Мониторлар ёнғин ёки фавқулодда вазиятлар рўй берганда видеоёзув воситалари билан таъминланиши лозим.

### 13. Автоматик ёнғин ўчириш қурилмалари

13.1. Бинонинг барча хоналарини (хўл жараёнли хоналар, муҳандислик ускуналари хоналари, зина катаклари, ёнувчан материаллар айланмайдиган – вентиляция ва бойлер хоналари ва шу каби хоналардан ташқари) сувли автоматик ёнғин ўчириш қурилмалари (кейинги матнда – ЁЎҚ) билан (спринклерли, дренчерли, майда сув заррачаларини пуркаш усули қўлланиладиган спринклерли) жиҳозлаш зарур.

13.2. ЁЎҚ ҳисоблаш қўлланмаси ШНҚ 2.04.09 келтирилган.

13.3. Техник-иқтисодий асосланган ҳолларда айрим хоналарни (электрошитлар, трансформаторлар, серверлар ўрнатилган хоналар, архив хоналари ва шу кабилар) газли ёки кукунли ёнғин ўчириш қурилмалари билан жиҳозлашга йўл қўйилади.

13.4. Орасителларни жойлашуви дераза проёмларини (суғорғичлар хона ичкарасида ёки ташқарисида проём тепасида жойлаштирилади, қачонки проём бошқа хонага чиқадиган ҳолда) ҳамда квартиралар, меҳмонхона номерлари, офислар ва коридорга чиқадиган бошқа хоналар эшиклари проёмларининг (проём тепасида ҳар бир томонида) суғориш карталари ва эпюрларини ҳисобга олган ҳолда ҳимояланишини таъминлаши лозим.

13.5. Ахлат ўтказгич стволи ташкил қилинаётганда унинг ички бўшлиғига дренчерли ёнғин ўчириш қурилмасини ўрнатилиши талаб қилинади.

13.6. Ёнғин ўчириш қурилмаларини вертикал йўналиш бўйича ёнғиндан ҳимоя бўлинмаларига бўлинган зоналарда жойлаштириш лозим. Ҳар бир ёнғиндан ҳимоя бўлинмасида сув билан ўчириш қурилмаларини бошқариш бўйича мустақил коммуникациялар, қурилмалари ва бўғинлари кўзда тутилган бўлиши зарур.

13.7. Бинонинг ёнғиндан ҳимоя бўлинмаси доирасида ҳар бир қаватда, ёнғин юз берган манзилни аниқлаштирувчи сигнални бериш учун, таъминловчи қувурда қўлда бошқариладиган ёпиш арматураси мавжуд суяқлик оқими сигнализаторларини (унинг “очиқ” ёки “ёпиқ” ҳолатини назорат қилишни таъминлайди) ўрнатиш, тегишли маълумотларни ёнғин хавфсизлиги постига узатиш ва умумий бошқарув пултига уланиши лозим.

13.8. Автоматик ёнғин ўчириш тизимлари учун суғориш интенсивлиги 0,08 лс/м<sup>2</sup> дан кам бўлмаслиги керак.

13.9. Спринклерли ёнғин ўчириш тизимлари учун сув сарфи камида 10 л/с ни ташкил қилиши лозим. Автоматик сув таъминотчиси сифатида ҳажми 3 м<sup>3</sup> дан кам бўлмаган гидропневмобакдан фойдаланиш ва уни ҳимоя қилинадиган ҳудуднинг юқори қисмида жойлаштириш керак.

13.10. Ёнғин ўчириш станциялари ҳар бир ёнғиндан ҳимоя бўлинмасининг қуйи қаватларида жойлаштирилиши лозим. Биноларнинг биринчи қаватларида жойлашган ёнғин ўчириш станциялари ёнғин хавфсизлиги пости хоналари билан ёнма-ён жойлаштирилишига ркхсат этилади. Юқори қаватлардаги ёнғиндан ҳимоя бўлинмаларида жойлашган ёнғин ўчириш станциялари зина катакларидан ёки ёнғин лифтидан 20 м дан узоқ бўлмаган масофада жойлашиши зарур.

13.11. Насослар хоналарини ва ёнғин ўчириш станцияларини лойиҳалаштиришда, насослар ва бошқа қурилмаларни таъмирлаш (алмаштириш) ишларини амалга ошириш учун комплекс тадбирлар кўзда тутиш лозим.

#### **14. Ёнғин ўчириш даврида тўкилган сувларни тозалаш**

14.1. Баланд бинода жойлашган автотураргоҳлардаги, гаражлардаги спринклерли ёки дренчерли ёнғин ўчириш тизимлари ишлатилганда сўнг, сувни ўз оқими билан йиғиш ва мажбурий қочиришни назарда тутилиши зарур. Сувни йиғиш ва қочириш ишлари ёпиқ лот ва коллекторлар орқали амалга оширилиши керак.

14.2. Йиғилган ва қочирилган сувни мавжуд канализацияга юбориш йўли билан йиғштириш мумкин.

14.3. Сув билан ёнғин ўчириладиган ҳар бир бўлмадан сувни қочириш ва канализацияга юбориш сув билан ёнғин ўчирувчи бошқа бўлмаларнинг ишга таъсир кўрсатмаслиги лозим.

#### **15. Ёнғинга қарши ҳимоянинг автоматлаштирилган тизими бошқариш (ЁҚХАТБ)**

15.1. Комплекс автоматлаштирилган ёнғиндан ҳимоя қилиш тизимининг лойиҳасида ЁҚХ тизимларининг информацион бошқариш қисми бўлган ҳамда уларнинг ўзаро ишлаши ва функционал интеграциялашувини таъминловчи ЁҚХАТБ бўлимини назарда тутиш зарур.

15.2. ЁҚХАТБни лойиҳалаштиришда у қуйидаги функцияларни бажаришини кўзда тутиш лозим:

- ерости автотураргоҳлар ҳажмида портлаш хавфини юзага келтирувчи газ-буғ-ҳаво муҳити шаклланишини назорат қилиш ва олдини олиш;

- бинодаги барча хоналарнинг ёнғинга қарши ҳолатини назорат қилиш;

- ЁҚХ воситаларини ташхис қилиш;

- ёнғинни аниқлаш ва ёнғин тўғрисида ҳабар бериш тизимини ва спринклерли ёнғин ўчириш тизимларининг маълумотлари бўйича ЁҚХ тизимлари ускуналарини автоматик бошқариш;

- ёнғин ўчоғи аниқланганда ёнғиндан ҳимоя қилиш ускуналарини ЁХТМБПдан масофавий бошқариш;

- бинодаги бошқа муҳандислик тизимлари “Ёнғин” режимида ишлашини таъминлаш учун ёки автотураргоҳлар ҳажмида газ ва буғларнинг портлаш хавфини туғдирувчи концентрациялари тўпланиб қолганда тегишли сигналларни шакллантириш ва бериш;

- ЁҚХ воситалари ишини ва улар “Ёнғин” режимини бажаришини назорат қилиш;

- муҳандислик тизимларини камида 6 ой давомида “Ёнғин” режимини бажараётганида ЁҚХ воситалари ишини рўйхатга олиш ва ҳужжатлаштириш (шу жумладан магнитли маълумот сақлаш воситаларида);

- тизим ишининг исталган даврига оид ҳужжатлаштирилган маълумотларни босиб чиқариш.

15.3. Баланд бинони автоматлаштирилган ёнғиндан ҳимоя қилиш тизимларини Марказий диспетчерлик пунктнинг (кейинги матнда – МДП) таркибига кирувчи ЁХТМБП хонасидан бошқарилиши зарур.



15.4. ЁЎТМБП хонаси бинонинг биринчи қаватида назарда тутилиши лозим. Барча ёнғинга қарши тизимлардан сигналлар ушбу хонага чиқарилиши сигнал қаердан етиб келганлиги манзилини кўрсатган ҳолда таъминланиши керак.

15.5. Ёнғиндан ҳимоя бўлинмаларининг бир функционал вазифали блокларида, доимо хизмат кўрсатувчи ходимлар бўладиган диспетчерлик хонаси ташкил этишга йўл қўйилади, қайсики у ерга ҳимояланаётган бўлинмаларнинг ёнғинга қарши тизимлардан сигналлар келиб тушиши шарт.

15.6. ЁЎТМБП камида иккита ЭЎМ билан (ишчи ва захира) жиҳозланиши керак. Асосий бошқариш пулти ишдан чиқадиган тақдирда, ундан захира пултига ўтиш жараёни автоматик равишда амалга оширилиши зарур.

15.7. ЁЎТМБП радио ёки бевосита телефон алоқаси орқали ФВВ нинг Марказий алоқа тармоғи билан уланган бўлиши лозим.

15.8. Ёнғин бўлмалари ва бинони ёнғиндан ҳимоя қилиш учун қўлланиладиган барча ускуналар бир-бирига мослаштирилган бўлиши талаб этилади.

15.9. ЁҚЎАТБ ёнғин автоматикасини марказий бошқариш пултини қўллаган ҳолда ўз функцияларини амалга оширишини назарда тутиш лозим.

## **16. Одамларни Хабалаш ва эвакуация қилишни бошқариш**

16.1. Баланд бинолар ёнғин юзага келганда одамларни хабарлаш ва эвакуация қилишни бошқариш (ХЭБ) тизими билан жиҳозланган бўлиши ва хабарлашнинг қуйидаги усулларини ўзига киритиши керак:

- нутқли;
- ёруғликли;
- товушли.

16.2. Хабарлаш кетма-кетлиги лойиҳа билан белгиланади.

16.3. ХЭБ тизимининг тури, ШНҚ 2.04.09 – қоидаларига мувофиқ, бинонинг баландлигини ҳисобга олган ҳолда тайинланади:

- 100 м гача (1 тур) - 3-чи тури;
- 100 м дан 150 м гача (2 тур) - 4-чи тури;
- 150 м дан 200 м гача (3 тур) - 5-чи тури;
- 200 м дан баланд (4 тур) - 5-чи тури.

16.4. «ВЫХОД-ЧИҚИШ-EXIT» нурли кўрсаткичлари барча чиқиш эшикларнинг ва зина катаклар эшикларининг бевосита тепасида ўрнатилиши лозим.

16.5. Ҳаракатланиш йўналишининг нурли кўрсаткичларини эвакуация чиқиш йўли томон ҳаракатланиш йўналиши тўғрисида қўшимча маълумот зарур бўлган жойларда ўрнатилиши назарда тутилиши керак. Нурли кўрсаткичлар пол сатҳидан 2 м баландликда ўрнатилиши ва эвакуацияда ишлатиладиган ёритгичлар тармоғига уланиши лозим. Бунда улар ўрнатилган жойда пол юзасида ёритилганлик даражаси 0,5 Лк дан кам бўлмаслиги керак.

16.6. Автоматик ёнғин ўчириш қурилмалари ҳамда ёнғинни пайқаш ва бунинг тўғрисида хабарлаш тизими ишлаб қолганда, нурли кўрсаткичлар автоматик тартибда ишга тушиши лозим.

16.7. Товушли сигналлар ва нутқли хабарларни узатиш учун мўлжалланган хабарлаш воситалари, МДП оператори телефон орқали ёки ҳар қандай бошқа усуллар билан ёнғин тўғрисидаги хабарларни олиб, ушбу сигнални текширгандан ва эвакуация учун масъул шахсдан эвакуацияни бошлашга рухсат олгандан сўнг, автоматик ёки масофали равишда ишга туширилиши керак. Ёнғин тўғрисидаги

хабарни текшириши учун Диспетчер билан хабарлаш зоналарида алоқа воситалари (кузатув телекамералари ва ҳ.к.) таъминланган бўлишини шарт.

16.8. Товушли ёки нутқли хабарлаш воситалари (радиокарнайлар) одамлар доимо ёки вақтинча бўладиган барча хоналарда ўрнатилган бўлиши шарт. Ёнғин тўғрисидаги хабарлаш сигналлари бошқа мақсадларда бериладиган сигналлардан фарқ қилиши керак. Хабарловчи сигнал товушининг даражаси хона ичидаги шовқин овозининг даражасидан 5-10 дБ баландроқ бўлиши, шу билан бирга нутқли маълумот овозининг даражаси 95 Дб дан баланд, товушли сигналлар даражаси – 120 Дб дан баланд бўлмаслиги лозим.

16.9. Товушли ва нутқли хабарлаш воситаларининг сони, уларнинг жойлашуви ва қуввати баланд бинонинг барча хоналарида керакли эшитилиш даражасини таъминлаши лозим.

16.10. Одамлар эвакуациясини бошқариш қуйидагича амалга оширилиши керак:

- эвакуация қилиниш зарурлиги ва энг мақбул ҳаракатланиш йўналиши ҳақида нутқли маълумот узатиш;

- саросиманинг олдини олишга ва хавфсизликни таъминлашга қаратилган ҳаракатларни амалга оширишни рағбатлантирадиган махсус матнларни узатиш;

- тавсия этиладиган эвакуация йўналишини кўрсатувчи нурли кўрсаткичларни ёқиш (ўзгартирилиши);

- қўшимча эвакуацион чиқиш йўлларининг эшикларини (масалан, электромагнит қулфлар билан жиҳозланган) масофадан очиш;

- одамлар гуруҳлари ёки алоҳида одамлар ҳаракат қилишлари тўғрисида тезкор буйруқларни узатиш, бундай буйруқларни бериш зарурати эвакуация йўналишларининг турли участкаларида эвакуация боришини телевизор орқали кузатишдан келиб чиқади.

## **17. Ёнғин тўғрисида хабарлаш учун ички телефон алоқаси**

17.1. Баланд бинода ЁХТМБП, диспетчерлик хоналари ва хавфсизлик зоналари хоналари, ёнғин лифтлари, ёнғин вертолётининг транспорт-қутқариш кабинасини қўндириш майдони, ёнғин ўчириш учун насос хоналари, Н2 туридги тутун босмайдиган зина катаклар олдидаги тамбур-шлюзлар орасида ички телефон алоқани назарда тутиш лозим.

17.2. Телефон алоқаси авария-қутқариш хизматлари МДП диспетчерлари билан сўзлашиш имкониятини таъминлаши шарт.

17.3. Телефон аппаратлари (сўзлашиш воситаси) қуйидаги жойларда ўрнатилиши зарур:

- ёнғин ўчириш жўлракларининг ёнида;

- эвакуацияда чиқиш эшикларининг ёнида;

- хавфсизлик зоналарида;

- лифтларда;

- лифт холларида;

- объектлардаги ёнғин ўчириш пунктларида.

17.4. Ёнғин тўғрисида хабар бериладиган телефон алоқаси воситаларини белгилаш учун ёнғин хавфсизлигига мансуб сигнал ранглари ва белгиларидан фойдаланиш лозим.

## **18. Ёнғин-қутқарув бўлинмаларининг радиоалоқаси**

18.1. Ўзбекистон Республикаси ФВВ бўлинмаларининг ёнғин-қутқариш хизматлари тезкор бўлинмалари радиоалоқага эга бўлишлари учун баланд бинолар қабул қилиш-узатиш қурилмалари (антенналар) билан жиҳозланиши керак.

## **19. Ёнғин ўчириш мақсадлари учун ташқи сув таъминоти**

19.1. Ташқи ёнғинни ўчиришни таъминлаш учун шаҳар сув қувурлари тармоғидан 150 м радиусда жойлашган камида 3 та ёнғин ўчириш гидрантларини назарда тутиш лозим. Улар камида 100 л/с сув сарфлайдиган махсус автонасос ёрдамида сув олиш имкониятига эга бўлиши зарур. Ёнғин ўчириш гидрантлари ўрнатилган жойлар бино фасадида нурли кўрсаткичлар билан белгиланиши ва ташқи ёриткичлар электр таъминоти тармоғига уланган бўлиши лозим.

19.2. Ички ёнғинга ўчириш сув қувурларидан (ҳар бир зонада) бино фасадида қуруқ қувурлар (диаметри 80 мм бириктирилувчи қалпоқчали патрубок), ёнғин автонасосларини улаш учун, ташқаридан бошқариладиган тескари клапан ва зулфинлар чиқарилиши керак. Патрубклар ўрнатиладиган жойлар нурли кўрсаткич ва пиктограммалар билан белгиланиши керак.

## **20. Ички ёнғинга қарши сув таъминоти**

20.1. Баланд бинодаги ички ёнғин ўчириш сув қувурлари ва автоматик ёнғин ўчириш тизимлари бир-биридан алоҳида бўлиши шарт.

20.2. Ички ёнғин ўчириш сув таъминотини лойиҳалаштириш жараёнида ТИА босқичида қуйида келтирилган схемалардан бирини танлаш лозим:

### **1. Зонавий схема.**

Ҳар бир ёнғинга қарши бўлинмада бино баландлиги бўйлаб, техник қаватда ички ёнғин ўчириш сув қувурлари тизими ва алоҳида тўпловчи сиғимлари (пастроқда жойлашган бўлинманинг техник қаватидаги насос станциясидан тўлдириладиган) бўлган спринклерли ёнғин ўчириш тизимининг насос станцияларини назарда тутиш керак. Тўпловчи сиғимлар ҳажмлари пастроқда жойлашган бўлинмадаги хоналарни 3 соат давомида, спринклерли қурилмалари билан эса 1 соат давомида ёнғин ўчириш учун ички ёнғин ўчириш сув қувурлари ишлашини таъминлаш шартидан келиб чиққан ҳолда, ҳисоб-китоб қилиш орқали аниқланиши лозим. Ички ёнғинга қарши сув қувурларининг стояклари техник қават билан тутушган жойлари айланма бўлиши шарт.

### **2. Магистрал тақсимлаш схемаи.**

Баланд бинонинг биринчи қавати ёки цокол қавати сатҳида ишчи босими 25-35 атм бўлган ички ёнғинга қарши сув қувурлари ва спринклерли ёнғин ўчириш тизимларининг алоҳида насос станцияларини назарда тутиш керак. Ички ёнғинга қарши сув қувурлари ва спринклерли ёнғин ўчириш тизимлари учун сувни бино ҳажмига ёнғинга қарши бўлинмалар бўйича сув тақсимланадиган алоҳида-алоҳида айланма стояклар бўйича узатиш лозим.

## **21. Ички ёнғинга қарши сув қувури**

21.1. Баланд бинонинг барча қаватлари, шу жумладан техник қаватлари ҳам, ёнғиндан ҳимоя бўлинмаларига хизмат кўрсатишни ҳисобга олган ҳолда, зоналарга бўлинган ички ёнғинга қарши сув қувури билан жиҳозланган бўлиши керак.

21.2. Баланд бинода сув сарфи қуйидагича ҳисоблаб чиқилган зонавий ички ёнғинга қарши сув қувурни назарда тутиш лозим:

- турар жой хоналари учун - 2,5 л/с дан 2 оқим;

- жамоатчилик ва маъмурий хоналар учун 5 л/с дан 4 оқим.

21.3. Ички ёнғин ўчириш учун сув таъминоти манбаи сифатида шаҳар айланма сув қузури тармоғи бўлиши керак. Шаҳар сув қузуридан киритиш жойлари сони ташқи айланма тармоқнинг турли участкаларидан иккитадан кам бўлмаслиги лозим. Иккита турли манбага уланган айланма тармоқ мавжуд бўлмаган ҳолларда сув захирасини сақлаш учун резервуарлар назарда тутилади.

21.4. Ҳар бир ёнғиндан ҳимоя бўлинмаси учун ички сув қузури тармоғи мустақил ва айланма уланган бўлиши лозим.

21.5. Ёнғин насослари ва ёнғинга қарши сув қувурлари тармоғи ўртасидаги таъминловчи тармоқда тескари клапанларни ўрнатиш керак.

21.6. Ёнғин ўчириш воситаларининг минимал захираси ва сарфи бир ёнғинни ўчириш учун ҳисоблаб чиқилган вақтдан (3 соат) келиб чиқиб аниқланиши лозим.

21.7. Балконлар (лоджиялар)да тутун босмайдиган Н1 туридаги зина катакларидида ҳар бир қаватда қўшалок диаметри 80 мм бўлган қуруқ стоякли ёнғин ўчириш кранлари мавжуд бўлиши, ёнғин ўчириш машиналарини улаш учун 1-қават сатҳида улаш бошчаслари билан жиҳозланиши лозим.

21.8. Ички ёнғинга қарши сув қувурининг ёнғин насослари автоматик равишда, масофадан (ёнғин ўчириш кранлари шкафларида ўрнатилган тугмалардан) ва қўл ёрдамида (ёнғин пости ёки диспетчерлик пункти хонасидан) ёқилишини назарда тутиш керак.

21.9. Ёнғин ўчириш дастаклари билан хавфсиз ишлашни таъминлаш учун ёнғин ўчириш крани ва бириктирувчи бошча ўртасида диафрагма ўрнатишни назарда тутиш лозим. Дастак олдидаги босим 40 м дан баланд бўлмаслиги керак.

21.10. Ёнғинга қарши насослари мавжуд ички ёнғинга қарши сув қувурлари насос станциялари хоналари энг юқори ерости қаватдан пастроқ жойлашмаслиги ва углекислотали ўт ўчиргичлар билан жиҳозланган бўлиши лозим. Насос станциялари хоналари бошқа хоналардан ёнғин бардошлилиги 0,75 соатдан кам бўлмаган ёнғинга қарши пардеворлар билан ажратиб қўйилган бўлиши шарт. Насослар хонасидан бевосита ташқарига ёки зина катакка чиқилишини кўзда тутиш керак. Насослар хонасига кириш жойининг тепасида «Ёнғин ўчириш станцияси» деб ёзилган нурли табло ўрнатилиши ва авария ёритиш тармоғига уланиши лозим.

21.11. Ёнғин кранларини пол сатҳидан 1,35 м баландликда жойлаштириш ва ёнғин шкафларига ўрнатиш лозим. Ёнғин кранлари 20-метрли ёнғин ўчириш энглари ва ствол билан жиҳозланган бўлиши ва етиб бориш энгил бўлган жойларда – коридорлар ва ёнғин лифти ёнидаги лифт холлида жойлаштирилиши керак. Ёнғин энгларининг ғалтакларини ўрнатишга йўл қўйилади.

21.12. Ёнғин шкафларини ҳисоб-китоб йўли билан аниқланадиган масофада жойлаштириш лозим. Ёнғин кранларини деворлар ўйиқларида жойлаштиришда чуқурлиги 160 мм дан ортиқ бўлмаган махсус конструкцияли ёнғин шкафларидан фойдаланиш керак.

21.13. Ёнғин шкафлари ёнғин синфларидан келиб чиқиб сифими 10 кг бўлган ўт ўчиргичлар билан жиҳозланиши бўлиши зарур.

21.14. Сув билан ёнғин ўчириш қурилмаларида захира таъминот манбаи сифатида дизель электростанцияларини қўллашга йўл қўйилади.

## **22. Ёнғинни тезкор бўлинмалар кучлари билан бартараф этиш ва одамларни қутқариш**

22.1. Ёнѓин ёки фавќулодда ходиса юзага келганда баланд бинодан одамларни кутќариш шароитларини таъминлаш учун «Одамларни кутќариш режаси» ҳамда буни таъминлаш учун техник ечимлар ва воситалар ишлаб чиќилган булиши шарт.

22.2. Ҳар бир баланд биноларда юз бериши мумкин бўлган ёнѓинларни қуршаб олиш ва уни бартараф этишни таъминлаш маќсадида «Ёнѓин ўчириш режаси» ва ФВВ тезкор бўлинмаларининг бошќа хизматлар билан ҳамкорлик қилиш регламенти ишлаб чиќилиши лозим.

22.3. Баланд бинода бирламчи ўт ўчириш воситалари, телефон алоќаси, индивидуал кутќариш воситалари билан жиҳозланган таянч ёнѓин ўчириш пунктларини ташкил қилиш зарур. Таянч ёнѓин ўчириш пунктларининг ускуналари рўйхати **3-иловада** келтирилган.

22.4. Томќоплама сатњи ўзгарадиган (баланд-паст бўладиган) жойларда эни 0,7 м П1 турдаги темирли вертикал ҳолатдаги ёнѓин нарвонларини; ёнѓин вертолётининг кутќариш кабинаси учун мўлжалланган майдончага етиб бориш учун – қиялиги 6:1 дан ортиќ бўлмаган П2 турдаги марш темирли нарвонларни лойиҳалаштириш лозим.

22.5. Бинонинг олд томонини таъмирлаш ва ювишга мўлжалланган кўтаргичларни, ёнѓин-кутќарув бўлинмаларини юқорига кўтарилиши учун имкони яратилиши керак, юк кўтариш қобилияти ва унинг қурилмаларининг ишончлилиги Ўзбекистон Республикаси ФВВнинг даҳлдор хизматлари билан келишилиши лозим.

### **23. Норматив ҳаволалар**

Ушбу бўлимда техник меъёрлаш ва стандартлаштириш соҳасидаги қуйидаги техник норматив-ҳуќуќий ҳужжатларга ҳаволалар қўлланилган:

ШНҚ 2.01.02-04 Бино ва иншоотларнинг ёнѓин хавфсизлиги;

КМК 2.01.03-96 Сейсмик ҳудудларда қурилиш олиб бориш;

КМК 2.01.05-98 Табиий ва сунъий ёритилганлик;

КМК 2.03.10-95\* Томлар ва томќопламалар;

КМК 2.04.01-98 Бинонинг ички сув қувури ва канализацияси;

КМК 2.04.02-97 Сув таъминоти. Ташқи тармоқлар ва иншоотлар;

КМК 2.04.05-97\* Исситиш тизими, вентиляция ва кондиционерлаш

тизими;

ШНҚ 2.04.08-13 Газ таъминоти. Лойиҳалаш нормалари;

ШНҚ 2.04.09-07 Бино ва иншоотларнинг ёнѓин автоматикаси;

КМК 2.04.13-99 Қозонхона қурилмалари;

КМК 2.04.17-98 Турар жой ва жамоатчилик биноларининг электр ускуналари;

ҚМҚ 2.04.20-98 Муҳандислик ускуналарнинг алоќа, сигнализация (хабарлаш)

ва диспетчерлаштириш тизимларини ташкил қилиш;

ШНҚ 2.07.01-03\* Шаҳарсозлик. Шаҳар ва қишлоқ аҳоли яшаш пунктлари ҳудудларида бино ва иншоотлар қурилиши ривожланишини режалаштириш;

ШНҚ 2.08.01-05 Турар жой бинолари;

ШНҚ 2.08.02-09\* Жамоатчилик бинолари ва иншоотлари;

ШНҚ 1.03.02-16 Қурилишда лойиҳалаш ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва келишиш тартиби ва таркиби;

Ёнѓин тарқалишининг олдини олиш бўйича «Бино ва иншоотларнинг ёнѓин хавфсизлиги» ШНҚ 2.01.02-04 қоидаларига методик тавсиялар;

Учебно-методическое пособие «Противопожарная защита высотных зданий и уникальных объектов» (РФ);

ТКП 45-3.02-108-2008 (02250) ВЫСОТНЫЕ ЗДАНИЯ Строительные нормы проектирования (Беларусия Республикаси);

Свод правил “Здания и комплексы высотные” Правила проектирования (РФ).

## Бинолардаги хавфсизлик зоналарини ташкил қилишга қўйиладиган умумий талаблар

1.1 Хавфсизлик зоналари шундай жойлашиши керакки, бинодан ташқарига эвакуация вақтида чиқиб кета олмайдиган одамлар, эвакуация учун ажратилган вақт давомида ана шу хавфсизлик зоналарига етиб келиш имконига эга бўлсинлар (уларнинг ҳаракатчанлиги ва жисмоний саломатлигини ҳисобга олган ҳолда).

1.2 Хавфсизлик зонаси хонасининг майдони бир киши учун 1,0 м<sup>2</sup> тўғри келишидан келиб чиққан ҳолда белгиланади.

1.3 Хавфсизлик зонаси хонаси ёнғин ўчирувчилар лифтлари холларининг ёнида жойлашган бўлиши керак, айти пайтда ушбу хона бевосита лифт холлига бирикиб туриши шарт эмас.

1.4 Бинонинг асосий юкини кўтариб турган конструкциялари билан боғлиқ бўлган хавфсизлик зоналарининг юк кўтариб турувчи конструкциялари шундай лойиҳалаштирилган бўлиши керакки, ушбу конструкциялар ўзларининг асосий сифат ҳолатларини йўқотиши хавфсизлик зоналари конструкцияларининг асосий сифат ҳолатлари йўқотилишига олиб келмаслиги лозим.

1.5 Хавфсизлик зоналарини тўсувчи конструкциялари ва унга коммуникацияларни киритиши тутун ўтказмайдиган бўлиши, даҳлиз эшикларига зичлагичлар бўлиши ва ўз-ўзини ёпиш мосламаларига эга бўлиши керак, деразалар – кўзда тутилмайди. Қўйи ер устидаги ёнғиндан ҳимоя бўлинмасида жойлашган хавфсизлик зонаси ёнғин автонарвонлари ёки кўтаргичлар орқали одамларни эвакуация қилиш имконига эга бўлган балкон (лоджия)га чиқиш йўлига эга бўлиши лозим.

1.6 Хавфсизлик зонаси хонаси, унинг майдонидан қатъи назар, 1-турдаги тамбур-шлюзлар билан жиҳозланган иккитадан кўп чиқиш жойига эга бўлмаслиги керак; чиқиш жойларидан бири ёнғин ўчирувчилар лифтлари мавжуд холл томон қараган бўлиши лозим; кириш эшикларининг ўлчамлари — 0,92 м.

1.7 Хавфсизлик зонаси хонасида (фақат ёнғин рўй берган қаватда) 20–150 Па доирасидаги ортиқча босим сақланиб туриши ва бундай босим ёнғиндан ҳимоя бўлинмаси доирасида барча хавфсизлик зоналари учун умумий бўлган мустақил оқиб келувчи ва мустақил ҳаво тортиш вентиляция тизими билан таъминланиши лозим.

1.8 Хонага хизмат қилувчи шамоллатиш тизимлари автоматик равишда, масофадан ва қўл ёрдамида бошқариладиган бўлиши керак.

Оқимли ва тортиш ҳаво ўтказгичларда, улар хавфсизлик зона (хона)лари тўсиқлари билан кесишадиган жойларда, ёнғин бардошлилиги EI 60 дан кам бўлмаган нормал ёпиқ ёнғинга қарши клапанлар ўрнатилиши керак. Муҳандислик коммуникацияларини хавфсизлик зоналарининг тўсувчи конструкциялари орқали транзит тартибида ўтказишга йўл қўйилмайди.

Электр узатмаси мавжуд бўлган вентиляторлардан фойдаланиш керак, вентиляция ускуналарининг захирасини яратиш талаб этилмайди.

1.9 Хонанинг барча ток қабул қилувчи воситалари ва унга хизмат кўрсатувчи ускуналарни (шу жумладан электр ёритгичлар, бошқарув ва сигнализация тармоқларини) электр қуввати билан таъминлаш ЭЎЎҚ га мувофиқ ишончлиликнинг 1-тоифаси бўйича амалга оширилиши лозим.

## Бино қопламалари устида вертолётлар ва қутқариш кабиналари учун майдончаларни ташкил қилишга қўйиладиган талаблар

2.1 Баланд бинода вертолёт ёки қутқариш кабинаси (капсула, платформа ва ҳ.к.) учун майдончани ташкил қилиш зарурати ер устидаги ҳаракатчан қутқариш воситалари мавжудлиги ва техник имкониятларидан ҳамда бинодан одамларни эвакуация қилишнинг ҳисоблаб чиқилган вариантдан келиб чиқилганлиги билан изоҳланади.

2.2 Вертолётлар учун мўлжалланган майдончаларни том қопламасининг ҳар бир тўлиқ ва нотўлиқ 1000 м<sup>2</sup> майдонига лойиҳалаштириш лозим. Бунда том қопламаси устига чиқиш ва баландлиги 1,5 м дан паст бўлмаган том қопламаси тўсгичини назарда тутиш керак. Вертолётлар ва қутқариш кабиналари майдончаси сатҳига чиқадиган том қопламаси баланд-паст бўлган жойларда 3-турга мансуб ташқи эвакуация нарвонларини назарда тутиш лозим.

2.3 Республика ҳудудида ишлатилаётган тегишли классдаги вертолётлар баланд бинонинг бевосита том қопламаси устига қўниш имконияти, вертолётларнинг қутқариш кабиналари сони ва тури тўғрисида лойиҳалаш топшириғида келишилган бўлиши шарт.

2.4 Қутқариш кабиналари учун майдонча ўлчамлари 55 м дан кам бўлмаслиги керак. Майдончаларни текис кўринишда лойиҳалаштириш ва том қопламасининг ўртасида жойлаштириш лозим. Майдончаларнинг максимал қиялиги 8° дан ортиқ бўлмаслиги керак. Ушбу майдончалар периметри эни 0,3 м сариқ рангли чизиқ билан белгиланиши лозим. Майдончалар устида ва уларга бевосита яқин жойда антенналар, электр ускуналар, кабеллар ва шу кабилар жойлаштирилишига йўл қўйилмайди. Майдонча юзасига нисбатан тўсиқларнинг максимал баландлиги майдончанинг марказидан 10 м радиусда 3 м дан ортиқ бўлмаслиги лозим. Кабиналар учун майдончаларни кабинанинг умумий юкламаси 25 кН (2500 кг), солиштирама юкламаси 0,25 МПа (2,5 кг/см<sup>2</sup>) гача бўладиган қилиб лойиҳалаштириш керак.

2.5 Вертолёт майдончаларининг ҳудуддаги жойлашуви улардан бошқа мақсадларда фойдаланишга (автотураргоҳлар ва шу кабилар сифатида) имкон бермаслиги лозим. Вертолёт майдончаларини туташ ҳудудга нисбатан 0,3 м га баладроқ қилиш ва стационар тўсиқ билан тўсиб қўйиш тавсия этилади. Майдонча ўлчамлари 20x20 м дан кичик бўлмаслиги шарт.

Вертолёт майдончасининг четлари энг яқин бинодан камида 70 м узоқликда, лекин баланд бинодан 500 м дан узоқ бўлмаган масофада жойлашган бўлиши лозим. Вертолёт майдончасининг четларидан 30 м масофада дарахтлар, ёритгичлар устунлари, симлар, тўсиқлар ва бошқа халақит берувчи нарсалар бўлмаслиги шарт.

Майдонча қопламаси тегишли классга мансуб вертолётнинг статик ва динамик юкламасига бардош бериши зарур. Вертолётлар қўнишига мўлжалланган қоплама устига статик ва динамик юкламани қуйидаги қийматларга тенг қилиб қабул қилиш лозим:

- Ми-2 классдаги вертолётлар — 37 кН (3,7 т) ва 74 кН (7,4 т) тегишлигича;
- Ми-8 классдаги вертолётлар — 130 кН (13 т) ва 260 кН (26 т) тегишлигича.

Майдончага тез ёрдам машиналари етиб келиши учун камида иккита кириб келиш йўллари назарда тутиш керак.

2.6 Бино қопламаси устидаги вертолёт майдончаси баландлиги 0,1 м дан паст бўлмаган яхлит панжарали темир тагликка (вертолёт авария ҳолатига дуч



келиши эҳтимолидан келиб чиқиб) ҳамда баландлиги 0,9 м дан паст бўлмаган панжарали тўсиққа эга бўлиши лозим. Майдончани юза бўйлаб маҳаллий стационар автоматик кўпикли ёнғин ўчириш қурилмаси билан жиҳозлаш керак. Қурилманинг ҳисоблаб чиқилган ишлаш муддати – ҳажми (20200,1) м<sup>3</sup> 1,5 дақиқа давомида тўлдирилганда – камида 10 дақиқа. Том қопламаси баландлиги 1,2 м дан паст бўлмаган панжарали тўсиққа эга бўлиши лозим.

### 3-илова

Ёнғин ўчириш таянч пунктлари ускуналари:

1. Кўпикли ўт ўчиргичлар - 10;
2. Куқунли ўт ўчиргичлар -10;
3. Углекислотали ўт ўчиргичлар - 10;
4. Босим остида ишловчи ёнғин ўчириш енглари, узунлиги 20 м - 10;
5. Ёнғин ўчириш қўл дастаги - 5;
6. Сиқилган ҳаволи газниқоблар -10;
7. Кислород-ажратувчи газниқоблар - 10;
8. Қўчма электр фонарлар -10;
9. Ўзини-ўзи қутқариш қурилмаси - 10;
10. Маҳаллий ҳимоя воситалари тўплами -10;
11. Таранг қилинувчи қутқариш полотноси -5;
12. Сурилма ёнғин нарвони - 2;
13. Ёнғин ўчирувчининг ишғол қилиш нарвони - 2;
14. Қутқариш арқони - 5;
15. Секцияли қутқариш енглари - 5;
16. Қутқариш учун трос анжомлари - 5;
17. Баландда қутқариш тўпламлари – 5.

### 4-Илова (мажбурий)

#### **Аҳолини лифтлар ёрдамида эвакуация қилишнинг ҳисобланган вақти**

1. Баланд бинодан аҳолини эвакуация қилиш вақтининг (Нэв.л киши) ҳисоб-китоби ушбу жараёни ташкил қилиш схемаси танланишини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади.

а) бутун бинодан;

б) зонадан (ёнғиндан ҳимоя бўлинмасидан);

в) ёнғин рўй берган қаватдан ҳамда бу қаватдан юқоридаги бир ёки бир неча қаватдан;

г) фақат ёнғин рўй берган қаватдан

2. Эвакуация қилиш учун қуйида кўрсатилган лифтлар ишини ташкил қилиш схемаларидан бири қўлланилиши мумкин:

а) одамлар эвакуация қилинаётган қаватга ушбу қаватда тўхтаб ўтадиган барча лифтлар йўналтирилади;

б) одамлар эвакуация қилинаётган қаватга ушбу қаватда тўхтаб ўтадиган йўловчи лифтларининг бир қисми йўналтирилади; лифтларнинг бошқа қисми

аҳоли эвакуация қилинаётган бошқа қаватга (қаватларга) эвакуацияни ташкил қилиш бўйича қабул қилинган схемага мувофиқ йўналтирилади;

в) лифтлар чақирув келиб тушаётган қаватларга йўл олиб, нормал ишлаш алгоритми бўйича ишлайдилар.

3. Ҳисоб-китоб қилаётганда одамларни эвакуация қилиш учун қаватга етиб келган лифт кабиноси одамлар билан бутунлай тўлади ва бориладиган қаватгача йўл-йўлакай тўхтамасдан ҳаракатланади, яъни бир айланиб келишда лифт кабиноси фақат икки марта тўхтади, деб ҳисоблаш лозим.

4. Одамларни лифтлар ёрдамида эвакуация қилиш вақтини  $t_{эв.л} = 60N_{эв.л}/P_{л}$  ҳисоб-китоб қилаётганда, ишлатилаётган лифтларнинг  $h$  жами ташиш қобилияти қуйидаги формула бўйича аниқланади:

$$P_{л} = \sum 6300 E_i / T_i \text{ одам/соат,}$$

бунда:  $E_i$  – лифт кабиносининг номинал сиғими, киши;

$T_i$  – бир айланиб келиш вақти, с.

$i$ -чи лифтнинг бир айланиб келиш вақти қуйидаги формула бўйича аниқланади:

$$T_i = 2(N_p - h)/V + 2,6(\Delta t_{л} + 1,5 \cdot E_i), \text{ с,}$$

бунда:  $N_p$  – ҳисоблаб чиқилган лифт кўтарилиши баландлиги, м;

$h$  – лифт номинал тезликкача  $V$  тезлик олганда ва бутунлай тўхтагунича тормозлашганда ҳаракатланган йўлининг узунлиги, м;

$V$  – лифт кабиноси ҳаракатланишининг номинал тезлиги, м/с;

$\Delta t_{л}$  – лифт юргизилиши, тезлик олиши ва тормозланиши, эшиклари очилиши ва ёпилишига кетадиган жами вақт сарфи, с;

$\Delta t$  мазмуни лифт кабиноси ҳаракатланишининг номинал тезлигига қараб, қуйидагиларга тенг қилиб қабул қилинади:

11 с -  $V = 2,0$  м/с гача бўлганда;

30 с -  $V = 10$  м/с бўлганда,  $V$  нинг оралиқдаги мазмунлари – интерполяция бўйича олинади;

$E_i$  -  $i$ -чи лифт номинал сиғимининг миқдорий мазмуни.

$N_p$  қийматига қуйидагиларга тенг:

- бир қаватдан одамларни эвакуация қилишда (1в банди) – лифт эвакуация қилинаётган одамларни туширадиган қуйи қават поли сатҳи ва эвакуация қилиш қавати полининг сатҳи орасидаги фарқига;

- бир неча қаватлардан эвакуация қилишда (1б,в бандлари) - лифт эвакуация қилинаётган одамларни туширадиган қуйи қават поли сатҳи ва эвакуация зонаси ўртасининг сатҳи орасидаги фарқига;

$h$  қиймати лифтлар кабиноси ҳаракатланишининг  $V$  номинал тезлигига қараб, қуйидаги мазмунларга тенг қилиб олинади: 1,5 м -  $V = 1,6$  м/с гача бўлганда; 4 м -  $V = 2$  м/с га тенг бўлганда; 60 м -  $V = 10$  м/с га тенг бўлганда,  $V$  нинг оралиқдаги мазмунлари – интерполяция бўйича олинади.